



НАФС ХОТИРЖАМЛИГИ САБАБИ

Анас ибн Моликдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинишича, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай дуо қилдилар: “Аллоҳим, фойдасиз илмдан, қўрқувсиз қалбдан, қабул бўлмайдиган дуодан ва тўймайдиган нафсдан асрашингни сўрайман”.

Пайгамбаримизнинг (алайҳиссалом) бу қисқа дуолари тагида Аллоҳ таолодан яна тўрт нарсани — фойдали илм, қўрқувчи қалб, қабул бўладиган дуо ва қаноатли нафсни сўраш ҳам ётибди.

Инсонга умри давомида илм олишни фарз қилган динимиз икки дунё саодатига боис ва ҳамма учун фойдали илмни ўрганишни буюрган. Зеро, ҳеч бир нарсага ярамайдиган, ҳатто фойда ўрнига зарар келтирадиган илмлар ҳам бор. Ҳеч қандай фойдаси тегмайдиган нарсаларни билишга вақтни кетказиш умрни елга совуришидир. Ҳолбуки, ҳар бир он фаниматдир.

Муҳаддис Имом Доримий (ваф. 255 ҳижрий) “Сунан”ларида бундай насиҳат қилганлар: «Илмингга амал қил, молингнинг ортигини бер, ортиқча гапирма. Куннинг ёруғлиги фақат кўёш нурлари билан пайдо бўлгани каби ҳикмат ҳам Аллоҳга итоат этиш билан вужудга келади. Экин фақат сув ва тупроқ билан

ўсгани каби имон ҳам фақат илм ва амал билан қувват топади».

Қалб инсон аъзоларининг султонидир. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилганларидек, тақво (қўрқиш) қалбадир. Қалба қўрқиш бўлса, барча аъзолар ёмон ишлардан тийилади.

Дуо ибодатдир. Барча ибодатлар каби дунонинг ҳам қабул бўлиш шартлари бор. Дуо қабул бўлиши учун у шартларга амал қилиш керак.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бойлик молнинг кўплиги билан эмас, балки кўнгил тўқлиги биландир” (*Бухорий, «Риқоқ», 15*), деб марҳамат қилганлар. Нафс “Икки водий тўла молу дунёси бўлатуриб, учинчисини хоҳлайдиган” нарсадир (*Муслим, «Закот», 116*). Нафсининг жиловини қўлга ололмаган киши кўп ёмонликларнинг остонасида бўлади. Нафс Яратганга итоат қилсагина, хотиржам бўлади.



Толибжон НИЗОМ

ГЎЗАЛ СИЙРАТ

Фарзанд вояга етгунича унга ота-онаси масъулдир. Вояга етиши билан масъулият ўзининг зиммасига тушади. Шунинг учун ўз устида ишлаши, ўзини тарбия қилиб бориши лозим. Инсон фазилати ўзини тарбия қилишига қараб ортиб боради.

Исодан (алайҳиссалом): “Сизни ким тарбия қилди?” деб сўрашганида, “Мени ҳеч ким тарбия қилмади. Жоҳилнинг жаҳолатини, ахлоқсизнинг ахлоқсизлигини кўрдим ва жаҳолатдан, ахлоқсизликдан қочдим”, деган эканлар. Демак, киши ўзини тарбиялаши учун атрофдагиларга ибрат назари билан боқиши, яхшилиқни касб қилиб, ёмонликни ташлаши керак.

Киши ўзини ўзи тарбиялаши учун керак бўлган муҳим омиллардан бири истакдир. Яъни, киши хушхулқли бўлиши учун хуш хулқни исташи керак. Киши истаса ва ҳаракат қилса, уни тубанликка тортиш пайида бўлган нафсини ва шайтонни енга олади.

Киши бахтиёр бўлиши ва атрофдагиларга манфаат етказиши учун ҳар дақиқа, ҳар куни ўзини тарбия қилиш билан машғул бўлиши лозим. Акс ҳолда, нафси ва шайтон қулфатлар гирдобига тортиши мумкин.

Донишмандлар ҳузурида бўлиб, уларнинг насиҳатларини тинглаш, ахлоққа доир китобларни қайта-қайта мутолаа қилиш ҳам яхши хулқли бўлишда ёрдам беради.

Донишмандлар бундай дейишган:

“Роҳатда яшашни истасанг, дилингни ҳирсдан пок қил!”

“Қадр-қимматинг ошишини истасанг, баланд ҳимматли бўл!”

“Ўзингга яхшилиқ қилмоқчи бўлсанг, бошқаларга яхшилиқ қил, ҳеч кимга озор берма!”

“Мақтанчоқ ва эзма одамлардан йироқ бўл!”

Аллоҳ таоло барчаларимизни яхши хулқли, гўзал сийратли қилсин. Омин.

«HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Усмонхон АЛИМОВ

Абдулазиз МАНСУР

Абдураззоқ ЮНУС

Ортиқбек ЮСУПОВ

Нуриддин ХОШИМОВ

Анвар ТУРСУН

Неъматилла ИБРОҲИМОВ

Аҳад ҲАСАНОВ

Зоҳиджон ИСЛОМОВ

Зоҳидилло МУНАВВАРОВ

Баҳодир КАРИМОВ

Эркин МАЛИК

Муҳаммад Шариф ЖУМАН

Юсуфжон ИСҲОҚ

Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Абдул Жалил ХЎЖАМ

(Бош муҳаррир ўринбосари)

Аҳмад Муҳаммад ТУРСУН

Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН

Муқова

«Voris Design» маркази билан
ҳамкорликда тайёрланди.

Бадиий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

Матнни

Райҳона ХОЛБЕК қизи

терди.

Манзилимиз:

700069 Тошкент шаҳри

Зарқайнар 18-берк кўча 47а-уй;

Тел: 240-45-62, тел.факс: 227-34-30.

Интернет сайтимиз: www.hidoyat.uz

Интернет почтаимиз: hidoyat_jurnali@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2008 йил 10 нўябрда рухсат берилди.

Босмаҳонага 2008 йил 14 нўябрда топширилди.

Қоғоз бичими 60x84^{1/8}. Адади 24500. 207-буюртма.

«KOH NUR» МЧЖда босилди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди. Мақолалар хат орқали юборилганида исмлар тўлиқ, манзил аниқ ёзилсин.

Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос олинса,

«Ҳидоят»дан олингани кўрсатилиши шарт.

МУНДАРИЖА

Яхшиликка чақириш	
Толибжон НИЗОМ	
Нафс хотиржамлиги сабаби.....1	
Таянч нуқта	
Гўзал сийрат.....2	
Фикҳ	
Ҳайит намози.....5	
Масала	
Уста ОЛИМ	
Молиявий ибодат.....6	
ЎМИ ҳаёти	
Жалолиддин НУРИДДИНОВ	
Тил миллат кўзгуси.....7	
Тобеинлар ҳаёти	
Абул Фараж Абдурахмон ибн ЖАВЗИЙ	
Умар ибн Абдулазиз.....8	
Қуръонни ўрганамиз	
Али ибн АҲМАД ВОҲИДИЙ	
Оятларнинг тушиш сабаблари.....14	
Олисларга саёҳат	
Аҳмад ТУРСУН	
Янги Зеландия.....16	
Маърифий суҳбатлар	
Минҳожиддин МИРЗО	
Маънавият қалб поклигидир.....18	
Хабарлар	
Мусулмонлардан ўрганишяпти.....22	
Мужда	
ИТБ вакиллари ташрифи.....23	
Истеъдодлар тарбияси.....23	
Дурдона	
Бобо Тоҳир УРЁН	
Тароналар.....24	
Шеърят	
Шодмон СУЛАЙМОН	
Абдухолиқ Ғиждувоний ўитглари.....25	
Тўхтаҳон РАҲИМОВА	
Она насиҳати.....25	
Мужда	
Муҳаммад ибн Иброҳим ТУВАЙЖИРИЙ	
Жаннат васфи.....26	
Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги	
Ўктам СУЛТОНОВ	
Шайх Хованд Таҳур мажмуаси.....28	
Ибратли воқеалар	
Носир ЗОҲИД	
Дуо ижобат бўлди.....31	

Муқованинг 1-саҳифасида: Мино водийида-
ги (Макка) Хайф масжиди минораси.

Тафсири

ЮСУФ СУРАСИ

4

Юсуф (алайҳиссалом) сабри, Аллоҳ таолога итоати, иффати, хулқи ва теран ақли туфайли улуғ неъматга сазовор бўлди. Ака-укаларининг зулмига сабр қилди. Ёмонлик ва бузукликдан тийилиб, иффатини сақлади. Шунинг учун Аллоҳ таоло унга нусрат ато қилди, уни асради, раҳм айлади ва паноҳига олди.

Адабиёт

Ўткир ҲОШИМОВ

ДАФТАР ҲОШИЯСИГА
ЯНГИ БИТИКЛАР

«Ҳидоят» учун махсус

Отани қаттиқ ҳурмат қилиш, ҳар нарсада унинг раъйига қараш яхшиликка олиб келишини билгани учун ҳам онам шундай йўл тутар эканлар. Бу ишлари мутеълик эмас, чинакам донишмандлик экан.

10

Мерос

Бурҳониддин МАРҒИНОНИЙ

МАҲСИГА МАСҲ ҚИЛИШ

12

Агар киши аввал икки оёғини ювиб, маҳси кийиб олса, сўнг таҳоратни охирига етказса, кейин таҳорати бузилса, маҳсисига масҳ қилиши мумкин бўлади. Чунки маҳси оёқларни ҳадас етишидан сақловчидир. Шунинг учун, сақлаш вақтида тугал таҳорат бўлиши эътиборга олинади.

Хабарлар

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Роттердамнинг мусулмон
ҳокими

Мароқашлик қирқ етти яшар сиёсатчи Аҳмад Абутолиб Ҳолландиянинг Роттердам шаҳрига ҳоким этиб сайланди. У шаҳар тарихида биринчи мусулмон ҳокимдир.

23

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

﴿ وَمَا أُبْرِيُ نَفْسِي ۚ إِنَّ النَّفْسَ لَأَمَّارَةٌ بِالسُّوءِ إِلَّا مَا رَحِمَ رَبِّي ۚ إِنَّ رَبِّي غَفُورٌ رَحِيمٌ ﴾ وَقَالَ
 الْمَلِكُ أَتْتُونِي بِهِ ۖ أَسْتَخْلِصُهُ لِنَفْسِي فَلَمَّا كَلَّمَهُ قَالَ إِنَّكَ الْيَوْمَ لَدَيْنَا مَكِينٌ أَمِينٌ ﴿٥٤﴾ قَالَ
 أَجْعَلْنِي عَلَى خَزَائِنِ الْأَرْضِ إِنِّي حَفِيظٌ عَلِيمٌ ﴿٥٥﴾ وَكَذَلِكَ مَكَّنَّا لِيُوسُفَ فِي الْأَرْضِ يَتَّبِعُونَ مِنْهَا
 حَيْثُ يَشَاءُ ۚ نُصِيبُ بِرَحْمَتِنَا مَنْ نَشَاءُ وَلَا نُضِيعُ أَجْرَ الْمُحْسِنِينَ ﴿٥٦﴾ وَلَا جُرْأَلَاءُ خَيْرٌ
 لِلَّذِينَ ءَامَنُوا وَكَانُوا يَتَّقُونَ ﴿٥٧﴾

ЮСУФ СУРАСИ*

53. Нафсимни оқламайман. Танграм асраган нафсдан ўзга барча нафслар ёмонликка буюрувчидир. Танграм кечиргувчи ва марҳаматлидир.

54. Подшоҳ деди: «Уни хузуримга олиб келинг. Уни ўзимга чин дўст қилиб оламан». У билан сўзлашгач, деди: «Сиз энди хузуримизда мартабали ва ишончли шахс сиз».

55. У деди: «Мени шу ернинг хазина-

ларига бошқарувчи қилинг. Мен асрай оладиган ва илмли кишиман»

56. Шу каби Юсуфга у ерда ҳокимият бердик: у истаган жойида ўрнаша олади. Инъомимизни истаганимиз бандага берамиз ва яхшилиқ қилувчиларнинг ажрини бекор қилмаймиз.

57. Имон келтирган ва тақво қилганларга охиратдаги ажр афзалдир.

Тафсири ва баёни

«Нафсимни оқламайман. Танграм асраган нафсдан ўзга барча нафслар ёмонликка буюрувчидир. Танграм кечиргувчи ва марҳаматлидир». Яъни, нафсимни хатолардан холи деб даъво қилмайман. Зеро, нафс табиатига кўра шахватларга ва ёмонликларни яхши қилиб кўрсатишга мойилдир. Фақат Аллоҳ таоло асраган кишининг нафси шахватларга ва ёмонликларга мойил эмасдир. Мен Аллоҳ таолонинг марҳамати ва мағфиратидан умидворман. Аллоҳ таоло тавба қилганларнинг гуноҳларини кечиргувчи, марҳаматлидир.

Муфассирлар бу мазмунли оятни волий хотини гапининг баёни дейишган.

Подшоҳга Юсуфнинг (алайҳиссалом) айб-сиз эканлари маълум бўлгач, уни хузурига

чақиришга қарор қилади ва мулозимларига: «Уни хузуримга олиб келинг, уни ўзимга чин дўст қилиб оламан», дейди. Подшоҳ Юсуф (алайҳиссалом) билан сўзлашгач, унинг фазилатини, илмини, маҳоратини, одоб ва юксак ахлоқини кўриб, «Сиз энди хузуримизда мартабали ва ишончли шахсиз», деди. Подшоҳ Юсуфнинг (алайҳиссалом) яхши бошқарув қобилиятини ва ишни эплай олишини билди. Юсуф (алайҳиссалом) бу ҳолни пайқаганларидан сўнг: «Мени шу ернинг хазиналарига бошқарувчи қилинг. Мен асрай оладиган ва илмли кишиман», дедилар. Яъни, қаҳатчилик йиллари учун асраб қўйилган бугдойлар хазинасига мени бошқарувчи ва назоратчи қилинг. Мен серҳосил ва қаҳатчилик йиллари орасида иқтисодий мувозанатни ўрнатиб, мамлакатни аҳолига хавф солаётган, тушингизда аён бўлган хатардан ас-

*Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.

райин. Мен ишончли, эгаллаган вазифасини биладиган ва тажрибали инсонман”.

Подшоҳ Юсуфнинг (алайҳиссалом) бу таълабларини қабул қилди. **“Шу каби Юсуфга у ерда ҳокимият бердик: у истаган жойида ўрнаша олади”**. Яъни, Юсуфни (алайҳиссалом) подшоҳ кўнглига яқин қилганимиз ва зиндондан озод этганимиз каби Миср ерида ҳокимият бердик: уни истаганига қодир қилдик; унга Миср ерида лавозим ва мансаб бердик; қулликдан ҳукмдор, обрўли шоҳга айланди. Бу неъматларга сабри, Аллоҳ таолога итоати, иффати, хулқи ва теран ақли туфайли сазовор бўлди. Ака-укаларнинг зулмига сабр қилдилар. Ёмонлик ва бузукликдан тийилиб иффатини сақлади, гуноҳ қилишдан тийилдилар. Шунинг учун Аллоҳ таоло унга нусрат ва мадад ато қилди. Аллоҳ таоло уни асради, раҳм айлади ва паноҳига олди.

Аллоҳ таоло неъматларини ўзи истаган бандасига беради. Яхши амаллар қилувчиларнинг ажрини бекор қилмайди: уларга дунёда бахтсаодат, обрў ва мартаба, охирада жаннатда мангу ҳаёт ато этади.

Тақводор мўминларга охирадаги ажр-мукофот каттадир.

Аллоҳ таоло икки дунё саодатини ато қилган кишилар илоҳий фазлга сазовор кишилардир.

Мазкур оятлар қуйидагиларга далолат қилади:

Нафс шаҳватга, ҳой-ҳавасга мойилдир. Хабарда бундай келган: Набий (алайҳиссалом): «Сизлар ҳурмат қилиб, овқатлантириб, кийинтирсангиз, сизларга ғоятда ёмонлик қиладиган, агар хорлаб, оч қолдириб, кийимсиз қўйсангиз, жуда яхшилик қиладиган йўлдошингиз ҳақида нима дейсизлар, деганларида саҳобалар (розийаллоху анҳум): «У ер юзидаги энг ёмон йўлдошдир», дейишди. Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): «Жоним измида бўлган Зотга қасамки, у сизларнинг нафсларингиздир», дедилар.

Фойдали илм, яхши хулқ, одоб ва гўзал сийрат каби олий қадриятлар кишининг юксак даража ва баланд мартабага эришувига боисдир.

Муҳаммад Шариф ЖУМАН,
Анвар АҲМАД
тайёрлашди.

Ҳайит Намози

Қурбон ҳайити намози икки ракат вожиб намоздир. Ҳайит намози бундай ўқилади:

Жамоат ҳайит намозини ўқишга ҳозир бўлгач, саф тортади ва ҳайит намози ўқишга ният қилади. (Ният: «Шу вақтда вожиб бўлган Қурбон ҳайити намозини барча такбирлари билан, шу имомга иқтидо қилиб, юзимни Каъбанинг бир тарафига қаратиб, холис Аллоҳ таоло учун ўқишни ният қилдим») ва такбири таҳрима айтади (ҳайит намоzlари учун иқомат айтилмайди). Ва қўллар боғланиб, киндик остида тутилади.

Сўнг сано ўқилади. Кейин имом эшиттириб, қавм ичларида уч бор такбир (Аллоху акбар) айтади. Ҳар такбирда қўллар қулоқлар тўғриси-гача кўтарилади. Такбирлар орасида қўллар боғланмайди, ёнда тутилади. Тўртинчи такбир ай-тилгач, қўллар боғланади, имом эшиттириб қиро-ат қилади. Қавм жим эшитади. Қироатдан сўнг руку ва саждалар қилиниб, иккинчи ракатга турилади.

Иккинчи ракатда имом қироатни тугатганидан сўнг, рукудан олдин, биринчи ракатда ай-тилганидек уч бор такбир айтилади. Ва тўртинчи такбир айтилиб, рукуга борилади ва сажда қили-нади. Саждадан сўнг ўтириб ташаҳхуд, саловат ва дуо ўқиб салом берилади.

Саломдан кейин имом минбарга чиқиб, ик-кита хутба ўқийди. Биринчи хутбани кетма-кет тўққиз такбир, иккинчи хутбани етти такбир айтиб бошлаши ва иккинчи хутбани ўн тўрт так-бир айтиб тугатиши мустаҳабдир.

Ҳайит намозига гусл қилиб, энг яхши кийим-ларини кийиб, хушбўй бўлиб бориши ҳамда тонг отганидан то Қурбон ҳайити намози адо қилингу-нича бирор нарса емай туриши суннатдир.



МОЛИЯВИЙ ИБОДАТ

Динимиз буюрган молиявий ибодатлардан бири зулҳижжа ойининг ўнинчи, ўн биринчи ва ўн иккинчи кунларидан бирида қурбонлик қилишдир. Қурбонлик қилиш муқим, озод, аслий ҳожатидан ортиқча кумуш нисоби миқдоридаги мулкка қурбонлик қилинида эга бўлган мусулмонга вожибдир. Мазкур миқдордаги мулки бўлмаганга ва мусофирга қурбонлик вожиб эмас.

Қурбонлик вақти зулҳижжа ойининг ўнинчи куни ҳайит намози ўқилганидан сўнг бошланиб, ўн иккинчи куни шом кирмасидан тугайди. Ҳайит намози ўқилмасидан олдин қурбонлик қилиш мумкин эмас.

Камида беш ёшга тўлган туя, икки ёшга тўлган қорамол, бир ёшга тўлган қўй ва эчки қурбонлик қилинади. Олти ойлик қўйни ҳам, агар жуссаси бир ёшга тўлган қўй

жуссасидек бўлса, қурбонликка сўйиш мумкин.

Қўй ва эчкини фақат бир киши қурбонлик қилади. Туя ва қорамолни етти киши биргалиқда қурбонликка сўйишса бўлади. Улар улушларини киллаб тортиб олишлари керак. Аммо улардан бирининг нияти фақат гўшт олиш бўлса, қурбонлик қилиш бўлмаса, ё бирларининг улуши еттидан биридан кам бўлса, қолган олти кишининг ҳам қурбонлиги ҳисобга ўтмайди.

Икки кўзи ё бир кўзи кўр, юролмайдиган даражада чўлоқ, ориқ, қулоқ ва думи кесиб ташланган ҳайвонларни қурбонлик қилиб бўлмайди. Агар қулоқ ва думининг учдан бири ё бундан ками кесилган бўлса, қурбонлик қилиш мумкин. Ҳайвон қурбонлик учун ётқизилганида айбли бўлиб қолса, масалан, оёғи синиб қолса, қурбонликка ўтади.

Қурбонлик қилган киши қурбонлиги гўшtidан ейди, истаган кишиларга ҳадя қилади ва бир қисмини кейин ейиш учун олиб қўяди. Агар оиласи катта бўлса, қурбонлик гўштининг ҳаммасини оила учун олиб қолиши мустаҳабдир.

Қурбонлик қилинган ҳайвон териси сотилмайди. Садақа қилинади. Агар сотилса, пули садақа қилинади.


Қурбонлик қилишни назр қилган (уйида боқаётган қўйини ҳайитдан олдин «шу қўйни қурбонликка сўяман» ёки «Аллоҳ таоло учун бир қўй қурбонлик қиламан» деб айтган) киши қурбонликка атаган қўйини ёки бир қўйни қурбонлик қилмаса, қурбонликка атаган қўйини ёки бир қўйни тириклай камбағалларга садақа қилиши керак. Қурбонлик қилишни мазкур тартибда назр қилган кишига аслида қурбонлик қилиш вожиб бўлса, иккита қўй сўяди. Бири назр қилгани, иккинчиси қурбонлиги бўлади. Назр қилинган ҳайвоннинг гўштини назр қилган киши ва унинг қарамоғидагилар ейиши мумкин эмас.

Шунингдек, қурбонлик зиммасига вожиб бўлмаган киши қурбонлик қилиш ниятида сотиб олган қўйини қурбонлик қилмаса ҳам, у қўйини тириклай садақа қилиши лозим.

Зиммасига қурбонлик қилиш вожиб бўлган киши қурбонлик кунлари қурбонлик қилмаса, қурбонлик қийматини садақа қилиши керак.

Уста ОЛИМ





тимизда Ислом равнақи учун улуғ хизматлар қилган бу зотларнинг ибратли ҳаёт йўллари хотирланди, ҳақларига Қуръон тиловат қилинди.

Тилимизга эътибор

21 октябр куни ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги барча Ислом ўқув юртларида қизиқарли кечалар бўлиб ўтди. Жумладан, Тошкент Ислом институтидаги тадбирда устоз ва талабаларга филология фанлари номзоди Абдумурод Тилабов тилимизнинг тарихи, сўз бойлиги, ҳозирги кун-

ТИЛ МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Халқаро мусобақада қатнашди

Яқинда Саййид Муҳйиддин махдум билим юрти тўртинчи босқич талабаси Муҳаммадсолиҳ Қориев Жазоир давлатида ўтказилган халқаро қорилар мусобақасида қатнашиб қайтди.

Ўқувчилар ҳузурида

7 октябр куни Тошкент Ислом институти ижтимоий фанлар кафедраси мудири Мансурали Араббоев Юнусобод туманидаги 327-мактабда бўлиб, “Ҳозирги замон ва динлараро бағрикенглик” мавзуида маъруза қилди. Ўқувчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Миссионерлик зарари ҳақида

16 октябр куни Тошкент Ислом университети 2-курс магистранти Жасур Нажмидинов “Кўкалдош” Ислом ўрта махсус билим юрти 4-курс талабалари билан “Миссионерликнинг зарарли оқибатлари” мавзуида суҳбатлашди. Суҳбат охирида “Жаҳолат чангалида” филми намойиш этилди.

Устозлар хотирланди

15 октябр куни Имом Бухорий номидаги Ислом институтида собиқ муфтийлар — Ўзбекистон мусулмонлари идораси асосчиси Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон, Ислом институти асосчиси Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ва Шамсиддин Бобохонов хотирасига бағишланган тадбир бўлди. Юр-

даги долзарб масала ва муаммолари хусусида гапириб берди. Шу куни Хожа Бухорий билим юрти талаба қизлари “Тил миллат кўзгуси” мавзуида давра суҳбати ташкил қилишди. Мир Араб мадрасасида ўтган тил байрамида сўз олган Бухоро Давлат университети дотсенти, тилшунос Насрулло Шукруллаев эса она тилини ҳаёт ойнасига ўхшатди. Бунга мисол сифатида шоир Азим Суюннинг “Она тилисиз халқ — чироғи ўчган халқ” сатрини шарҳлади. Саййид Муҳйиддин махдум билим юрти устозлари тилга эътибор миллатга эътибор, тилнинг жамият ҳаётида ўрни ҳақида шогирдларига атрофлича маълумот беришган бўлса, талабалар Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Сўфи Аллоҳёр, Ҳазиний, Чустий каби мумтоз адабиётимиз вакиллари вакиллари ўзбек тилининг баҳолат ва фасоҳатини акс эттирган асарларидан намуналар ўқишди.

“Ҳидоят”га тўлиқ обуна

Мир Араб мадрасасида матбуот нашрларига обуна бўлиш уюшқоқлик билан ўтди. Билим юрти ўқитувчилар жамоаси ва талабалари Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги ўқув юртлари ичида биринчи бўлиб, октябрнинг бошидаёқ сеvimли нашрлари — “Ҳидоят” журнали ва “Ислом нури” газитига тўлиқ обуна бўлишди.

Жалолиддин НУРИДДИНОВ,
таълим ва кадрлар тайёрлаш бўлими мудири

Абул Фараж Абдурахмон ибн Жавзий

УМАР ИБН АБДУЛАЗИЗ

Умавий халифаларнинг саккизинчиси Умар ибн Абдулазиз ибн Марвон ҳижрий 99—101 йиллари давлатни бошқарган. У қирқ йил умр кўрди. Адолати ва идора ишларидаги ислоҳотлари билан машҳур бўлди. Шу боис бобоси Умар ибн Хаттобга (розийаллоҳу анҳу) ишоратан уни «Иккинчи Умар» ҳам дейишади. Қуйида бу улуг зот ҳаётидан айрим лавҳаларни эътиборингизга ҳавола этяпмиз.

* * *

Умар ибн Абдулазиз ҳукмдор бўлгач, табрик-лаш учун турли жойлардан келган вакиллар унинг ҳузурига киришди. Зиёратчилар орасида ҳижозлик бир бола ҳам бор эди. Ўша йигитча Умарни кутлаш учун олдинга чиқди. Шунда Умар:

— Шошилмай тур, сендан ёши улуғлар бор, — деди. Бола бунга жавобан:

— Сизни Аллоҳ қўлласин. Инсон икки кичик аъзоси — қалби ва тили билан инсондир. Агар Аллоҳ таоло бандасига бурро тил, сақловчи қалб ато этган бўлса, у гапиришга ҳақли эмасми? Агар сиз айтгандек, гап фақат ёшда бўлса, мажлисингизда сиздан кексароқ, гапиришга ҳақлироқ одамлар ҳам бор-ку, — деди.

Умар ибн Абдулазиз боланинг сўзидан қаттиқ таъсирланиб, ушбу маънодаги шеърни ўқиди: «Эй инсон, илм олгин, ҳеч ким олим бўлиб туғилмас, илм эгалари жоҳил каби бўлишмас, илмсиз кекса одамнинг мажлисидаги мавқеи улуг эмас».

* * *

Умар ибн Абдулазиз бир оқшом дўстлари билан ўтирган эди, чироқнинг нури хиралашиб қолди. Ўрнидан туриб, пилигини тозалаб қўйди. Шунда мажлисда ўтирганлардан бири: «Эй мўминлар амири, пиликни тозалашни бирорта-мизга буюрсангиз бўлар эди-ку!» деди. Умар ибн Абдулазиз айтди: «Меҳмонни хизматга буюрган инсон муруватли саналмайди. Ўтирганимда ҳам шу Умар эдим, турганимда ҳам шу Умарман».

* * *

Зиёратчилардан бири ҳукмдор Умар ибн Абдулазизга



ҳадя сифатида олма келтирди. Аммо у ҳадяни қабул қилмади. Шунда зиёратчи: «Ҳадяни Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам олганлар, нега сиз олмаяпсиз?» деб сўради. Бунга жавобан Умар ибн Абдулазиз: «Расулulloҳга берилган нарса, шубҳасиз, ҳадядир. Аммо менга берилгани пора бўлиб қолиши мумкин», деди.

* * *

Молик ибн Динор айтади: «Одамлар мени зоҳид деб билишади. Ҳолбуки, ҳақиқий зоҳид Умар ибн Абдулазиздир. Дунё бутун дабдабаси билан унга келди, Умар ундан юз ўгирди».

* * *

Ривоят қилишларича, Умар ибн Абдулазиз масжидга кетар эканлар, қўлларини оҳиста тебратиб борар эдилар. Шу вақт бирдан тўхтаб қолдилар, кўзларидан ёш жоласи қуйила бошлади. Одамлар нима учун йиғлаётганларини сўрашганида: «Бу дунёда тебратиб юрган қўлларим охиратда боғланса, ҳолим не кечишини ўйлаб йиғлаяпман», дедилар.

* * *


Умар ибн Абдулазизнинг ўғли Абдумалик вафот этди. Уни дафн этди ва устига тупроқ тортиди. Сўнгра ўрнидан туриб, қоматини ростлади. Атрофида одамлар уни ўраб туришарди. Шунда у, ривоят этилишича, бундай деган: «Эй ўғлим! Аллоҳ сени раҳматига олган бўлсин! Сен отанга меҳрибон эдинг. Аллоҳга қасамки, Аллоҳ таоло сени менга ато этганидан бери сендан масрур эдим. Аллоҳга қасамки, сен туфайли қаттиқ хурсанд бўлган эдим. Энди Аллоҳ таоло ихтиёр этган шу манзилга танангни қўйганимдан буён Аллоҳ таолодан сен туфайли бўладиган саодатни кўпроқ умид этипман».

* * *

Ражо ибн Хайва айтади: «Умар ибн Абдулазиз одамларнинг энг хушбўйи ва юришда тикроғи эди. У мол-мулкани эҳсон қилиб, ўзида фақат қалпоғи, салласи, қўйлаги, чакмони, ридоси ва ковушларини (қиймати тахминан ўн икки дирҳам) қолдирган эди».

* * *

Муслим ибн Абдулмаликнинг қули Абдуссалом айтади: «Умар ибн Абдулазиз йиғлаган эди, завжаси Фотима ҳам йиғлади. Шунда улар нима



учун йиғлаётганларини билмаган уй аҳллари ҳам қўшилишиб йиғлашди. Улар ибратланганларидан сўнг Фотима унга: «Отам-онам сизга фидо бўлсин, эй мўминларнинг амири, нима сабабдан йиғладингиз?» деб сўради. Умар: «Мен қавмининг Аллоҳ ҳузуридан узилиб, бир бўлаги жаннатда ва бир бўлаги дўзахда бўлишини эсладим», деди».

* * *

Амр ибн Муҳожирдан ривоят қилинади. «Менга Умар ибн Абдулазиз: «Агар менинг хақдан оғаётганимни кўрсанг, қўлингни кўксимга қўйиб, мени бир силкитгин ва, эй Умар, нима қилияпсан, дегин», деди».

* * *

Лайс ибн Абу Руқия Умардан ривоят қилади: «Умар ибн Абдулазиз оғир касал ётган пайтида «Мени ўтқизинглар», деган эди, уни ўтиргизиб қўйишди. Сўнгра у: «Эй Аллоҳ, Сен менга буюрган эдинг, мен тўлиқ бажармадим, қайтарган эдинг, сенга осий бўлдим. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ», деди. Кейин бошини кўтариб, ҳаммага тикилиб қаради. Шунда унга: «Сиз қаттиқ тикиляпсиз», дейишди. У: «Мен ҳозир бўлганларни кўряпман, улар инсонлар ҳам эмас, жинлар ҳам эмас», деди» (Аллоҳ ундан рози бўлсин).

Яҳё ҲАБИБУЛЛОҲ,
Аҳмад МУҲАММАД
тайёрлашди.

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ДАФТАР ҲОШИЯСИГА ЯНГИ БИТИКЛАР



«Ҳидоят» учун махсус

Ожиз банда

Худо ёзганини бандаси ўчиролмайди,

Худо берганини бандаси тортиб ололмайди...

Олганимиз, қолдирганимиз

Бандасининг баҳоси бу дунёда ўзи олганлари билан эмас, ўзидан қолдирганлари билан белгиланади...

«Бир чимдим ақл...»

Худодан, умр бер, деб сўраганларни кўрдим.

Худодан, бахт бер, деб сўраганларни кўрдим.

Худодан, фарзанд бер, деб сўраганларни кўрдим,

Худодан, давлат бер, деб сўраганларни кўрдим.

Фақат: “Эй Яратган Эгам, мен нодонга бир чимдим ақл бер”, деб сўраган бандасини кўрмадим!

Умр китоби

Одамзот ҳаётининг ўзи нима? Инсон бу фоний дунёга нега келадию нега кетади, деган саволни ўйлаб кўрмаган киши кам бўлса керак.

Чамамда “номаи аъмол”, “умр китоби” деган гаплар

бежиз айтилмаган. Ҳар банданинг умри бир китобдир.

Инсон онгли ҳаёт кечира бошлаши билан умр китобини ёзишга киришади. Ҳар куни, ҳар лаҳзада... Бу китобда бандаси қилган жамики яхшию ёмон амаллари ёзилиб бораверади. Умр поёнига етган куни китоби ҳам ёпилади...

Сўнг амаллар дафтарида битилган ҳамма нарса ҳисоб-китоб қилинади. Яхшилиги кўп бўлса, саодат, ёмонлиги кўп бўлса шақоват...

Умр китобига эзгу саҳифаларни кўпроқ ёзиш ҳар бандага насиб этсин...

Донишмандлик

Болалигимни эсласам, оиламиздаги бир одат эсимга тушади. Биз фарзандлар учун дунёда отамиздан улуроқ, отамиздан кучлироқ, билимдонроқ одам йўқ эди. Онам икки гапининг бирида: “Ҳой ўғлим, ҳозир аданг кепқоладилар, дарров сигирга ўт юлиб кел”; “Ҳой қизим, аданг кепқоладилар, ҳовлини супур”; “Адангни соатига тегма”; “Адангни ғазаблари тез, шовқинламай ўтиринлар”, деб қайта-қай-

та тайинлар эдилар. Ҳолбуки, “ғазаб тез” адамиз биронтамизни қаттиқ коймаган, бирон тарсаки урмаган.

Кейин тушунсам, отани қаттиқ ҳурмат қилиш, ҳар нарсада унинг раъйига қараш яхшиликка олиб келишини билгани учун ҳам онам шундай йўл тутар эканлар. Бу ишлари мутеълик эмас, чинакам донишмандлик экан.

Палак

Ҳали мактабга ҳам қатнамас эдик. Орамизда “Елим” лақабли бола бўларди. Текканга тегиб, тегмаганга кесак отар, ҳатто ёши катта болалар ҳам ундан узоқроқ юришга ҳаракат қилишар эди. “Елим” лақабини олишига сабаб, у отаси урушга кетганидан кейин икки йил ўтиб туғилган, онаси айтишича, “қорнига ёпишиб қолган” экан.

Бир куни Елим ёмон иш қилди. Қаердандир ориқлаб кетган қора мушукни топиб келди. “Ҳозир сенларга томоша кўрсатаман”, деди-да, мушукнинг думига чизимча боғлаб, биғиллатиб, дарахт шохига илиб қўйди. Анҳор

бўйидаги тошлардан кўйлагининг этагига тўлдириб келди. Кейин беш-олти қадам орқага чекиниб, мушукка тош ота бошлади. Болалардан бири “унақа қилма” деса, “Бўпти, ўзингни тошбўрон қиламан”, деб хезланди. Елим тошларни шошилмай, узоқ мўлжалга олиб отар, ҳар гал тош текканида мушук аянчли миёвлар, типирчилаб, ўзини у ёқдан-бу ёққа ташлар, аммо кутулиб кетолмас эди. Охири бечоранинг оғзидан қон кела бошлади. Биз болалар даҳшатдан қотиб, қилт этмай турар, нима қилишни билмас эдик. Бир маҳал мушукнинг кўзидан олов сачраб кетгандек бўлди-да, сўнгги бор миёв-лаб, тинчиб қолди...

Бу воқеани ичимга сиғди-ролмай, онамга айтиб бердим. Онам отамга айтган шекилли, кечқурун бизни ёнларига чақириб, танбеҳ берди:

— Ким ўша бола билан ўйнаса, таъзирини бераман! — деди. Сўнг бир зум ўйлаб турди-да, қўшиб қўйди: — Балки айб болада эмасдир. Палаги нопок...

Отанинг гапини яхши туншунмаган бўлсам-да, Елимдан нарироқ юрадиган бўлдим. У еттинчи синфни битириб, бошқа ўқимади... Университетда ўқиб юрган кезларим Елим одам ўлдириб, ўн йилга кесилиб кетганини эшитдим...

Орадан кўп йиллар ўтди. Билмадим, ўттиз йилми-ўттиз беш йилми... Куз кечаларидан бирида дарвоза тақиллаб қолди. Чиқсам, телпак кийган нотаниш одам турибди.

— Танимадинг-а? — деди

эски қадрдонлардек елкамга қўл ташлаб. — Мен... фалончиман.

Ростини айтсам, бунақа исмли одамни эслай олмадим. Отини қайта сўраган эдим, илжайди.

— Елимман.

Шунда “эски қадрдоним” ёдимга тушди.

— Сенга бир масалада келдим, — деди мақсадга кўчиб. — Ўғлим арзимас нарса билан қамоққа тушиб қолди. Шунга бир ёрдам бериб юборсанг...

— Мен терговчини танимайман, — дедим.

— Сен уларни танимасанг, улар сени танийди-ку!

Очиғи, ўғлининг “арзиман нарса билан” қамалганинига ишонмадим. Бунақа ишларга аралашмаслигимни айтдим. Елим хафа бўлди.

— Бўпти, сен бўлмасанг, бошқаси топилиб қолар, — деди-да, кетаверди...

Ўғлининг қисмати нима бўлганини билмайман-у, орадан тагин беш-олти йил ўтиб, нохуш хабар эшитдим. Елим хотин, бола-чақаси билан ажрашиб, қўшни маҳалланинг чеккароқ кўчасидан ҳовли сотиб олган экан. Қиш кунларидан бирида уйига ўт кетибди. Одамлар ўтни ўчиришиб, ичкари киришса, Елимнинг куйиб кетган жасади ётганмиш. Негадир оёқ-қўли сим билан чандиб боғлаб ташланган экан...

Бечорага ачиндим. Отанинг сўзлари ёдимга тушди: “Палаги нопок...”

Лафз

Халқимизда “Ваъдага вафо — марднинг иши”, “Арслон изидан қайтмас,

йигит сўзидан”, деган мақоллар бор. Буни исботловчи мисоллар ҳам етарли.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг васияти билан тахтга ўтирган Ҳумоюн отаси каби жасур, доно ва софдил инсон бўлган. Шаҳаншоҳ вафотидан кейин ака-укалар орасида бошланган тож-тахт талашини салтанатни таҳликали аҳволга солиб қўяди. Рақиблар вазиятдан усталик билан фойдаланиб, хуружга ўтишади. Бир жангда бобурийларга қарши курашаётган Шерхоншоҳнинг қўли баланд келиб, Ҳумоюн чекинишга мажбур бўлади.

Ҳиндистонда дарё кўп. Чауза дарёсидан ўтаётганларида Ҳумоюннинг оти чўкиб, ўзини ҳам сув остига тортиб кетади. Подшоҳнинг бахтига ҳўкиз терисидан ясалган мешда сузиб келаётган бир одам уни қутқариб қолади. Шунда миннатдор шоҳ оғзидан: “Сенга тахтимни берганим бўлсин”, деган мазмунда гап чиқиб кетади. Пойтахтга етиб келишгач, мешкобчи шоҳга ваъдасини эслатади. Ҳумоюн ақлбовар қилмас иш қилади: сарой аъёнларининг эътирозига қарамай, мешкобчини тахтга ўтқазади.

“Ҳумоюннома” асарида Гулбаданбегим бу ҳодисани бир оз оғриниб тасвирлайди: “Бу воқеадан сўнг подшоҳ ўша саққо гуломни тахтга ўтқазиб, ҳамма амирлар унга кўриниш берсинлар, гулом эса кимга нимани хоҳласа, ҳадя этсин ва мансаб берсин, деб буюрдилар... Икки кунга бу гуломга подшоҳликни бериб қўйдилар...”

Бурҳониддин Марғинонийнинг «Хидоя» асари фикҳий масалалар борасида мазҳабимизда энг ишончли ва мўътабар манбалардан бидир. Сиз ҳам ундан баҳраманд бўлишингизни истаб, асарнинг баъзи бобларини жузъий қисқартиришлар билан чоп эта бошладик.

Бурҳониддин МАРҒИНОНИЙ

МАҲСИГА МАСҲ ҚИЛИШ

«Маҳсига масҳ қилиш суннат билан собит бўлгандир».

Масҳ ҳақида ҳадислар жуда кўпдир. Ҳатто ким маҳсига масҳ қилишни мумкин эмас деб эътиқод қилса, мубтадеъ бўлади, дейилган.

«Маҳсини тугал таҳорат билан кийгандан сўнг таҳорати бузилган бўлса, таҳорат қилишга сабаб бўлувчи ҳамма ҳадасда унга масҳ қилиш мумкин».

Агар киши аввал икки оёғини ювиб, маҳси кийиб олса, сўнг таҳоратни охирига етказса, кейин таҳорати бузилса, маҳсисига масҳ қилиши мумкин бўлади. Чунки маҳси оёқларни ҳадас етишидан сақловчидир. Шунинг учун, сақлаш вақтида тугал таҳорат бўлиши эътиборга олинади.

«Муқим бир кеча-кундуз, мусофир уч кеча-кундуз масҳ тортиши мумкин».

Чунки Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар:

«Муқим бир кеча-кундуз, мусофир уч кеча-кундуз масҳ қилади»

«Масҳнинг муддати таҳорат бузилган вақтдан бошлади».

Чунки маҳси ҳадас етишидан сақловчидир. Шунинг учун муддат сақлаш вақтидан ҳисоб қилинади.¹

«Масҳ маҳсининг устига, оёқ бармоқлари учидан бошлаб болдир томонга, қўл бармоқлари билан қилинади».²

Чунки Муғира (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилган ҳадисда бундай дейилган: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) икки қўлларини икки маҳсилари устига қўйдилар ва оёқларининг бармоқларидан бошлаб юқорисига бир марта тортиб, масҳ қилдилар. Мен Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) маҳсилари устида бармоқлар билан қилинган масҳ изини кўрдим».

Сўнг масҳни маҳсининг устига қилиш вожибдир. Яъни, маҳсининг тагига, орқасига ёки болдирига тортиш мумкин эмас. Ювиш эътиборига кўра, масҳни оёқ бармоқларининг учидан бошлаш мустаҳаб.

«Масҳнинг фарзи қўл бармоқларидан уч бармоқ миқдоридир».

«Оёқ бармоқларидан учта-си кўринадиган катта йиртиғи бор маҳсига масҳ қилиши

мумкин эмас. Агар ундан кичик бўлса, масҳ қилиш мумкин».

Катта йиртиқ оёқнинг учта кичик бармоғича миқдор очилиб қолишидир ва бу саҳиҳдир, чунки оёқнинг аслини бармоқлар ташкил қилади, учта бармоқ эса бармоқларнинг кўпидир. Кичик бармоқларнинг ҳисобга олингани эҳтиёт учундир. Юрганда очилиб кетмаса, бармоқ учлари йиртиққа киришининг эътибори йўқ.³

Бу миқдор ҳар бир маҳсига алоҳида ҳисоб қилинади. Бир пой маҳсидаги йиртиқлар қўшилади, иккала пойдаги йиртиқлар қўшилмайди. Чунки бир пой маҳсидаги йиртиқ иккинчи пой билан сафар қилишдан тўсмайди.

«Фусл вожиб бўлган киши маҳсисига масҳ қилиши мумкин эмас».

Бу ҳукм Сафвон ибн Ассолдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинган ҳадисга кўра олинган. У киши бундай деганлар: «Сафарда бўлганимизда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бизларга маҳсимизни уч кеча-кундуз ечмаслиги-

мизни буюрар эдилар. Фақат жунуб бўлганимизда ечишимизни, сийгандан ёки уйқудан сўнг ечмаслигимизни буюрганлар". Чунки жунублик, одатда, такрорланмайди. Шу боис жунуб бўлганда маҳсини ечиш қийин бўлмайди. ҳадас ундан фарқли, чунки у такрорланиб туради.

«Таҳоратни бузадиган ҳар бир нарса масҳни бузади. Чунки масҳ таҳоратнинг бир бўлагидир. Яна маҳсини ечиш ҳам масҳни бузади».

«Маҳсининг бир пойини ечиш ҳам масҳни бузади».


Масҳнинг муддати ўтса ҳам, келтирганимиз ҳадисга асосан, масҳ бузилади.

Агар муддат тугаса, маҳсини ечиб оёқларини ювади ва намоз ўқийверади. Унга таҳоратнинг бошқа амалларини қайта қилиш лозим эмас.

Муддатдан олдин маҳсини ечса ҳам, масҳ бузилади. Чунки маҳси ечилганда олдинги ҳадас оёқларга етади ва худди ювилмагандек бўлиб қолади. Қадам маҳсининг пойчасига чиқиши билан маҳси ечилди деб ҳукм қилинади. Чунки маҳси пойчасининг масҳда эътибори йўқ. Шунингдек, қадамнинг кўп қисми маҳси пойчасига чиқиши билан ҳам маҳси ечилди деб ҳукм қилинади. Бу саҳиҳдир.

«Муқимлик ҳолида масҳ қилишни бошлаган, сўнг бир кеча-кундуз тўлмай⁴ сафарга чиққан киши уч кеча-кундузгача масҳ қилиши мумкин».

Мусофир муқим бўлса⁵,



агар маҳсига масҳ қилишнинг муқим учун муддати тўлган бўлса, маҳсини ечади.

Агар у муддат тўла ўтмаган бўлса, охирига етказилади.

«Ким маҳсининг устидан журмуқ кийса⁶, унинг устига масҳ тортиши мумкин».

Чунки журмуқ ишлатилиши ва кераклиги жиҳатидан маҳсига тобедир. Иккиси худди икки қаватли маҳси каби бўлади. Журмуқ маҳсининг бадали эмас, оёқнинг бадалидир, лекин журмуқни таҳорат бузилганидан кейин маҳси устидан кийса, унга⁷ масҳ тортиб бўлмайди. Фақат маҳсига нам ўтса, унга масҳ тортса бўлади.

«Абу Ҳанифа (раҳимахуллоҳ) наздларида, жаврабга⁸ масҳ қилиш мумкин эмас, фақат ости ва устига тери қопланган ёки тагига тери тикилган бўлса, мумкин».

«Саллага, дўпига, паранжига, қўлқопга масҳ қилиш

мумкин эмас».

Жабираларга⁹ таҳорати бўлмаганида боғланган бўлса ҳам, масҳ қилиш мумкин.

Жабиранинг кўп қисмига масҳ қилиш кифоядир. Ҳасан ибн Зиёд (розийаллоҳу анҳу) шундай деганлар. Унга масҳ тортиш муддати чегараланмаган.

Агар жабира яра битмасидан тушиб кетса масҳ бекор бўлмайди. Чунки узри кетгани йўқ. Сўнг узр бўлганида жабирага масҳ тортиш унинг остини ювиш каби бўлади.

Агар жабира, яра битгач, тушиб кетса, масҳ бекор бўлади. Агар

шу ҳолат намоз ўқиётганида бўлса, намозни қайта ўқийди. Аллоҳу аълам!

¹ Таҳорат синганида маҳси оёқнинг таҳоратини сақлайди. Шу вақтдан бошлаб унга масҳ қилиш вақти ҳисобланади.

² Бармоқлар гипс қўйилмайди, оралари очиқ қилинади, шунинг учун масҳ қилишда бармоқларнинг изи — ҳўл чизиқлар қолади.

³ Йиртиқдан оёқ кўринмаса, масҳ қилиш мумкин бўлади.

⁴ Масҳ қилганига.

⁵ Юртига қайтса ё бир жойда ўн беш кун туришни ният қилса.

⁶ Маҳсини асраш учун унинг устидан кийиладиган пойчаси маҳсининг пойчасидан калта оёқ кийи ми. Унга масҳ қилиш мумкинлигининг шарт: маҳсини кийгач, таҳорати синмасдан кийилган бўлишидир.

⁷ Журмуққа.

⁸ Оёққа ўраладиган нарса: матодан ё чармдан ё ипақдан бўлган.

⁹ Жароҳатларга, синган жойларга боғланган дока ва бошқа нарсалар.

ОЯТЛАРНИНГ ТУШИШ САБАБЛАРИ *

Бақара сураси 106-оят. *“(Эй Муҳаммад, агар) Биз бирон оятни бекор қилсак ёки ёдингиздан чиқарсак, албатта, ундан яхшироғини ёки ўшанинг мислини келтирамиз. Аллоҳ ҳар нарсага Қодир Зот эканини билмадингизми?”*

Муфассирлар айтишича, мушриклар: «Муҳаммадни кўряписизларми? Асқобларини бир ишга буюради-да, сўнгра уни қилишдан яна қайтаради. Куръондаги бу нарса Муҳаммад ичидан тўқиб чиқарадиган сўзdir. У баъзиси баъзисига хилоф келадиган каломдир», дейишди, шунда Аллоҳ “Биз бирон оятни бекор қилсак ёки ёдингиздан чиқарсак...” оятини туширди».

108-оят. *“(Эй мўминлар,) ёки сизлар ҳам ўз Пайгамбарингиздан, илгари Мусодан сўралган нарсаларни сўрашни истайсизми?”*

Ибн Аббос (розийаллоху анху) айтади: «Бу оят Абдуллоҳ ибн Каъб ва бир гуруҳ қурайшликлар ҳақида тушган. Улар: “Эй Муҳаммад, Сафо тоғини бизга олтин қилиб бер, Макка ерларини кенгайтириб, ўртасидан дарёлар оқиз, ўшанда биз сенга имон келтирайлик”, дейишди. Шунда Аллоҳ ушбу оятни туширди».

143–144-оятлар. *“Шунингдек, (яъни, Тўғри Йўлга ҳидоят қилганимиз каби) сизларни бошқа одамлар устида гувоҳ бўлишингиз ва Пайгамбар сизларнинг устингизда гувоҳ бўлиши учун ўрта (адолатли) бир миллат қилдик. (Эй Муҳаммад,) Сиз илгари қараган қиблани Биз фақатгина ким Пайгамбарга эргашиб, ким орқасига қайтиб кетишини билиш учун қилганмиз, холос. Шубҳасиз, бу оғир иш. Фақат Аллоҳ ҳидоят қилган зотларгагина (оғир эмасдир). Аллоҳ имонларингизни (яъни, имон билан, Аллоҳ буюрган тарафга юзланиб ўқиган намозларингизни) зое қилгувчи эмас. Албатта, Аллоҳ одамларга Мехрибон ва Раҳмлидир. Гоҳо юзингиз самода кезганини кўрамиз. Бас, албатта, Биз Сизни ўзингиз рози бўлган қиблага бурамиз. Юзингизни Масжидул ҳаром (Макка) томонга буринг! (Эй мўминлар, сизлар ҳам)*


қаерда бўлсангизлар, юзларингизни унинг тарафига бурингиз! Китоб берилган зотлар, албатта, бунинг Парвардигорлари томонидан (келган ҳақ ҳукм) эканини билишади. Аллоҳ улар қилаётган амаллардан гофил эмас”.

Калбийнинг ривоятда Ибн Аббос (розийаллоху анху) бундай дейди: «Расулulloҳнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам) саҳобаларидан бир қанчалари Байтул Макдисга қараб намоз ўқиладиган пайтларда вафот этишган эди. Асъад ибн Зирора, Бани Нажжор уруғидан Абу Умома, Бани Салама уруғидан Барро ибн Маърур ва бошқалар шулар жумласидандир. Уларнинг қариндошлари келиб: “Эй Расулulloҳ, биродарларимиз олдинги қибла вақтида вафот этишди. Кейин эса Аллоҳ сизни Иброҳим қибласига бурди. Энди биродарларимизнинг аҳволи қандай бўлади?” деб сўрашди. Шунда Аллоҳ ушбу оятни туширди».

158-оят. *“Албатта, Сафо ва Марва Аллоҳ (буюрган) маросимлардандир. Бас, ким Байтуллоҳни (тавоф қилиш билан) ҳаж ёки умра қилса, у иккисининг орасида саъй қилишининг гуноҳи йўқдир. Ва ким ўз ихтиёри-ла яхшилиқни ниёт қилса, бас, албатта, Аллоҳ Шукр қилгувчи (Тақдирловчи) ва Билгувчидир”.*

Амр ибн Хусайн айтади: «“Ибн Умардан ушбу оят ҳақида сўрадим. У киши: “Ибн Аббосга бориб, ундан сўра, у тирик қолганлар ичида Муҳаммадга (соллаллоху алайҳи ва саллам) туширилган оятларни билувчирокдир”, деди. У кишидан сўраган эдим: “Сафо (тепалиги) устида эркак суратида “Исаф” деб аталадиган бут бор эди. Марванинг устида эса “Ноила” деб аталадиган бут бор эди. Аҳли китоблар: “У иккаласи Каъбада зино қилишган, кейин Аллоҳ уларни тошга айлантириб, ибрат бўлиши учун Сафо ва Марванинг устига ўрнатиб қўйган”, деб ўйлашарди. Анча муддат ўтгач, Аллоҳни қўйиб, ўшаларга ибодат қила бошлашди. Жоҳилият аҳли Сафо ва Марвани айланишса, ўша иккала бутни силашарди. Ислому келгач, бутлар синдирилди. Муслмонлар улар орасидаги масофани босиб ўтиш-

*Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.



ни қариқ кўришди. Шунда Аллоҳ ушбу оятни туширди».

168-оят. **“Эй инсонлар, Ердаги ҳалол-пок нарсалардан енглар ва шайтоннинг изидан эргашманглар! Шубҳасиз, у сизларнинг очиқ душманингиздир”**.

Калбий айтади: «Бу оят Сақиф, Хузо ва Омир ибн Соъсоа (қабилалари) ҳақида тушган. Улар ўзларига экин ва чорваларидан айримларини ҳаром қилиб олишган эди. Баҳийрани, Соибани, Василани ва ҳомийни ҳаром қилиб олган эди».

221-оят. **«(Эй мўминлар,) то имонга келмагунларича мушрика аёлларга уйланманглар! Шубҳасиз, озод мушрика аёлдан, гарчи у сизга ёқса-да, имонли чўри яхшироқдир. То имонга келмагунларича мушрик эрларни (қизларингизга) уйлантирманглар! Шубҳасиз, озод мушрикдан, гарчи у сизга ёқса-да, имонли қул яхшироқдир. Аллоҳ ўз изни-иродаси билан жаннат ва мағфиратга даъват қилади. Ва одамлар эслатма олишлари учун ўз оятларини баён қилади»**.

Муқотил ибн Ҳайён айтади: «Абу Марсад Фонавий Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Иноқ исми аёлга уйланиш учун изн сўради. У қурайшлик бир камбағал, лекин чиройли аёл бўлиб, мушрика эди. Абу Марсад: “Эй Расулulloҳ, менга унинг чиройи ёқди”, деди. Шунда ушбу оят тушди».

Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳу) айтади: «Бу оят Абдуллоҳ ибн Равоҳа ҳақида тушган. Унинг қора чўриси бор эди. Чўрисидан ғабланиб, уни урди-да, кейин қўриқиб, Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қилган ишини айтди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эй Абдуллоҳ, у қандай ўзи?” деб сўради. “У намоз ўқиб, рўза тутди, чиройли таҳорат қилади, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва сиз Аллоҳнинг

расули эканингизга иқрор”, деб жавоб қайтарди. Шунда у зот: “Эй Абдуллоҳ, у мўминадир”, дедилар. Абдуллоҳ: “Сизни ҳақ билан юборган Зотга қасамки, уни озод қиламан ва уйланаман”, деди ва айтганини қилди. Айримлар унга: “Чўрига уйланди”, деб таъна қилишди. Улар аслзодалигига қараб, мушрикаларга уйланишар ва мушрикларга қиз узатишар эди. Шунда Аллоҳ мазкур оятини туширди.

267-оят. **“Эй мўминлар, касб қилиб топган нарсаларингизнинг ҳалол-покизаларидан ва Биз сизлар учун ердан чиқарган нарсалардан инфоқ-эҳсон қилинглар! Эҳсон қилиш учун улардан ўзларинг фақат кўз юмиб туриб оладиган паст-нопокларини танламанглар! Ва билингларки, албатта Аллоҳ Беҳожат ва ҳамду сано Эгасидир”**.

Барро (розийаллоҳу анҳу) айтади: «Бу оят ансорлар ҳақида тушган. Боғларидаги хурмо пишиб етилмасдан узиб, Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) масжидлари устунларига илиб қўйишарди. Ундан камбағал саҳобалар ейишарди. Айримлар паст навли, сифати ёмон хурмоларни олиб чиқишар ва ўзларича: “Шунча хурмо ичида билинмай кетади”, деб ўйлашар эди. Шунда Аллоҳ: “Эҳсон қилиш учун улардан ўзларингиз фақат кўз юмиб туриб оладиган — паст-нопокларини танламанглар!” оятини туширди».

271-оят. **“Агар садақаларни ошкора ҳолда берсаларинг, жуда яхши. Ва агар махфий, фақир-камбағалларга берсаларинг, ўзларинг учун янада яхшироқдир. Ва қилган гуноҳларингизга каффорт бўлади. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан Хабардордир”**.

Калбий айтади: «Ҳар бир садақа-эҳсонларингизни Аллоҳ билади...» ояти тушгач, одамлар: “Эй Расулulloҳ, махфий садақа афзалми ёки ошкора садақами?” деб сўрашди. Шунда мазкур оят тушди».

274-оят. **“Мол-дунёларини кечаю кундуз, яширин ва ошкора эҳсон қиладиган зотлар учун Парвардигорларининг ҳузурда улуг ажр бор. Улар учун ҳеч қандай хавфу хатар йўқ ва улар ғамгин бўлмайдилар”**.

Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳу) айтади: «Бу оят Али ибн Абу Толиб ҳақида тушган. Унинг тўрт дирҳам пули бор эди. Кечаси бирини, кундузи бирини — биттасини ошкора ва биттасини махфий садақа қиларди».

“Асбобун нузул” китобидан
Тошкент шаҳар бош имом-хатиби
Анвар ТУРСУН
таржимаси

ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯ



Янги Зеландия оролларида милодий 800 йилдан бошлаб полинезиялик маорилар яшаб келишган. 1642 йили голландиялик денгизчи Тасман бу ерларни «кашф қилади». Ўн тўққизинчи асрдан бошлаб босқин-

Майдони: 268 680 кв. км.
Аҳолиси: 3,9 миллион киши.
Пойтахти: Веллингтон шаҳри.

Тузуми: конституциявий монархия.

Давлат бошлиғи: Британия қироличаси вакили — бош губернатор.

Маъмурий тузилиши: 10 та вилоятдан иборат.

Йирик шаҳарлари: Окленд, Крайстчерч, Гамилтон, Данидин.

Пул бирлиги: янги зеландия дўллари.

чилар ороллارни эгаллай бошлашди ва 1840 йили у Англия мустамлакаси деб эълон қилинди. 1851 йилдан Австралияга қарам бўлди. Янгизеландияликлар 1872 йилгача мустамлакачиларга қарши кураш олиб боришган.

Ўн тўққизинчи асрнинг олт-



мишинчи йилларида бу ердан олтин захиралари топилиши турли ўлкалардан одамларнинг оқиб келишига сабаб бўлди. Маҳаллий аҳолидан тортиб олинган ерларда йирик қўйчилик фермалари ташкил этила бошланди. Янги аср бошларида эса капитализм жадал ривожланишга ўтди ва Янги Зеландия Англиянинг «филиали» сифатида майдонга чиқди.

1907 йили Янги Зеландия Буюк Британия вассали мақоми олди, биринчи жаҳон урушида катта «оғаси» тарафда турди. 1931 йили мамлакат истиқлолга эришган бўлса-да, орадан ўн олти йил ўтибгина Британия ҳамкорлиги доирасида тўла мустақилликни қўлга кирита олди. Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида маориларнинг ўз ҳуқуқлари учун кураши яна авж олди. Бу кураш дунё ҳамжамиятида уларнинг маданияти ва анъаналарига қизиқишни кучайтириб юборди.

Янги Зеландия аграр мамлакатдир, лекин саноати ҳам ривожланган. Озиқ-овқат (гўшт комбинатлари, ёғ-мой, пишлоқ ишлаб чиқариш корхоналари), ёғочни қайта ишлаш, қоғоз тайёрлаш, кимё, машинасозлик, тўқимачилик каби тармоқлар тараққий этган. Алюмин, пластмасса, ўғит, семун, чинни ва фарфор ишлаб чиқарувчи завод-





лар анчагина. Тоғ-кон саноати ҳам жадал ривожланыпти.

Қишлоқ хўжалиги илғор технологиялар асосига қурилган, ташқи бозорга маҳсулот чиқаришга ихтисослашган. Бу соҳада чорвачилик асосий ўринни эгаллайди. Йирик ва ўрғаҳол фермерлар катта миқдорда қўй ва қорамол гўшти, юнг, сут, сариёғ, машҳур Янги Зеландия пишлогини халқаро бозорга чиқаришади. Мамлакат қўй гўшти етиштиришда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди, юнг ишлаб чиқаришда эса фақат Австралиядан кейинги ўринда туради. Деҳқонлар маккажўхори, буғдой, арпа, дуккакли

экинларни кўп экишади. Мамлакат иқтисодида ўрмончилик, балиқ ва кит овлаш ҳам муҳим ўрин тутади.

Янги Зеландия чет мамлакатларга тахта-ёғоч, қоғоз, дастгоҳлар ҳам етказиб беради. Четдан эса оғир машинасозлик, нефт ва кимё маҳсулотлари, улов воситалари, хомашё, ўғит, истеъмол моллари сотиб олади. Кўпроқ Австралия, АҚШ, Япония, Буюк Британия, Олмония, Жанубий Қурия, Хитой ва жануби-шарқий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқалар ўрнатган.

Мамлакат аҳолиснинг асосий қисми насронийликнинг

протестант ва католик оқимларига эътиқод қилади. Кейинги йилларда Янги Зеландияда Ислом динига қизиқиш тобора орт-япти. Исломий эътиқод мамлакатнинг туб аҳолиси орасида кенг ёйилмоқда. Сўнги маълумотларга кўра, ҳозир бу ерда 36 минг мусулмон яшайди.

Янги Зеландия Ислом ташкилотлари уюшмаси ташаббуси билан мамлакатда тез-тез ўтказилаётган анъанавий «Исломни англаш» ҳафталиклари аҳолининг кенг қатламлари Ислом дини ва мусулмонларни яхши тушунишига ёрдам берапти. Ҳафталик доирасида масжидларда «очиқ эшиклар куни», динлараро мулоқотлар, турли кўргазмалар ва ҳалол таомлар фестивали каби тадбирлар ташкил этиляпти.

Ҳозир мамлакатда қирқта масжид, кўплаб Ислом марказлари, имомлар ва диний мутахассислар тайёрлайдиган иккита ўқув юрти ишлаб турибди.

Аҳмад ТУРСУН

Манбалар:

1. «Страны мира». Справочник, Москва, 2003 г. стр. 578-581.
2. «Атлас мира». Справочник, Москва, 2003 г. стр. 70-71.
3. Интернет сайтлари.





— Минҳожиддин, ҳаётнинг маъноси ҳақида ўйлаган инсон борки, мулоҳазалари асосида маънавият ётади. Сиз маънавиятни қандай таърифлаган бўлар эдингиз?

— Муҳтарам Юртбошимиз “Юксак маънавият - енгилмас куч” китобида маънавиятнинг негизи ва маъно-мазмунини белгилайдиган асосий хусусиятлар ҳақида тўхталар эканлар, биринчи галда инсоннинг руҳий покланиши ва қалбан улғайиши билан боғлиқ жараёнга алоҳида эътибор қаратадилар. Маънавият миллатнинг юраги, қалбидир. Унда халқимиз даҳосининг бетакрор сурати ва сийрати намоён.

Маънавиятнинг таянч устунларидан бири покликдир — қалб, ният, амал, виждон поклиги. Маънавият нур, асрлар қаъридан таралаётган, бугуннинг яхшилари юрагидан оқаётган нур. Шукр, истиқлолга эришгач бу нур юзини тўсиб турган мустабид тузум сояси кетди. Кўмиб ташланган асрий булоқларнинг кўзи очилди. Аждодларнинг маънавий меросидан доимий баҳраманд бўлишга эришдик. Маънавий-руҳий қўрғонларимизни тикладик. Инсон маънавияти аввало унинг руҳий ва ақлий олами уйғунлигида намоён бўлади. Инсоннинг руҳий олами, ақлий заковати, қилган ихтиро ва кашфиётлари, орзу-интилишлари, ҳатто васиятига қараб ҳам

Минҳожиддин Мирзо 1965 йили Андижон шахрида туғилган. ЎзМУ (ТошДУ) журналистика факултетини тамомлаган. Ўзбекистон Телерадио компанияси, Президент Девони, Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси, “Шарқ юлдузи” журналида ишлаган. “Нилуфар”, “Висол хабари” шеърий тўпламлари муаллифи.

унинг маънавий дунёси ҳақида сўз айтиш мумкин.

— Ўртада бир ҳамма моддиятга берилиб кетгандек, маънавият орқага сурилиб қолгандек туюлган эди. Шукр, энди одамлар йилдан-йилга маънавиятга қайтаётгани кузатиляпти. Шу ҳақда ҳам тўхталсангиз.

— Юксак маънавиятли инсон учун халқ бахт-саодати, Ва-

қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади”.

Тарбия ҳамма замонларда ҳам энг муҳим устувор вазифа бўлиб келган. Инсониятга туширилган муқаддас китоблар, улуғ олимлар, мутафаккирлар қолдирган маънавий мерос моҳиятида ҳам, аввало, таълим-тарбия, инсонни ахлоқий камолотга етакловчи чақириқлар ёта-

МАЪНАВИЯТ

Республика Маънавият тарғибот

тан тинчлиги, ободлигидан улуғроқ бахт йўқ. Комилликка интилувчи инсон ҳеч қачон ўз уйи, ҳовлиси даражасидаги бахт билан кифояланиб қолмайди, у бутун инсоният бахтини ўйлайди. Маънавиятли инсон доимо кўнглида эзуликни тарбия этади. Атрофига ёруғлик сочади. Қалбларга яхшилик, умид, бунёдкорлик уруғини сепади. Унинг учун эгасиз, бегона, ташландиқ қалб йўқ. У ҳар бир қалбга райҳон, гул уруғини сепади ўтишга ҳаракат қилади.

Бугун дунёда нима кўп, инсон қалбига жоҳиллик, ахлоқсизлик, ёвузлик уруғларини ташлайдиган дайди “шамоллар”, ўзини “маърифат боғбони” деб атаётган, аслида жаҳолатга қўл берган фирромлар кўп. Бугун айрим гўр кишилар онгига асрий қадриятларимиз, руҳий дунёмизга ёт қарашларни сингдиришга уринаётганларнинг ниятлари аниқ. “Дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий

ди, шундай эмасми? Ташқи оламнинг ободлиги инсон ички оламининг ободлигидан бошланади. Ташқи оламнинг вайронлиги эса инсон ички олами қашшоқлиги билан боғлиқ.

Маърифатгарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир” деган сўзларида тафаккур соҳиблари учун катта сабоқ бор. Бугун нимага кечадан кўра маънавиятга эътибор кучайяпти, деган саволга тўлақонли жавобни ҳам Юртбошимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асаридан топамиз. Бу китоб халқ бахти, фарзандлар камоли, мамлакатимиз келажагини ўйлайдиган бирор одамни бефарқ қолдирмайди. Юракда масъулият туйғусини кучайтиради.

— Кейинги пайтларда маънавий-маърифий ишларда Сиз раҳбарлик қилаётган Марказ билан Ўзбекистон мусулмонлари идораси ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилганини кўриш мумкин.

— Халқимизни муқаддас Ислом маданияти, ақидаси, буюк боболаримизнинг ибратли

ҳаёти, маънавий меросидан баҳраманд этиш, жамиятимизда соғлом турмуш тарзини, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳроқибат муҳитини мустаҳкамлаш марказимиз фаолиятининг ажралмас қисмидир. Юрт тинчлиги ва осойишталигига раҳна соладиган, ватандошларимизнинг имон-эътиқодига путур етказадиган ёт гоё ва тушунчаларга қарши курашиш барчамизни яқин ҳамкорликда ишлашга даъват этади.

— **Халқимиз ҳаётидаги қандай ўзгаришлардан қаноатланиб, хурсанд бўлиб гапиришингиз мумкин?**

дилозорлик билан бировни норизо қилмайди ёки ҳалол бўлмаган йўлда топилган пулни қадрламайди. Бу катта бойлигимиз. Гоҳо мана шу эзгу тушунчаларга дарз кетаётгандай туюлади. Турли шармсиз, фаҳш кинолар, ахлоқсизлик, ёвузлик, жоҳилликни тарғиб қилувчи видеокассета ва дискларнинг ноқонуний савдоси билан шуғулланадиган “тадбиркор”лар пайдо бўлди. Булар бой маънавиятимизга куч берувчилар эмас, унинг илдизига болта урувчилардир. Бугун тарозидан уриш, омонатга хиёнат қилиш, ўзгаларга фириб бериб бойлик

уйига ҳам ўтиб кетмаслигини кўзлайди. Ахир, бугун хуруж қилаётган маънавий таҳдидлар ҳар қандай ёнгиндан ҳам хавфли эмасми?

— **Минҳожиддин, Сиз истеъдодли шоирсиз. Чиройли достонларингиз бор. Шу ўринда сўзга масъул бўлиш борасида ҳам фикрлашсак?**

— Ҳазрат Навоийда шундай байт бор:

*Бўлмаса эъжоз мақомида назм,
Бўлмас эрди Тангри каломиди назм.*

Мана шу байтнинг ўзидан ҳам ҳар бир ижодкор сўз айтиш, шеър битиш қанчалар

ҚАЛЬ ПОКЛИГИДИР

маркази раҳбари, шоир Минҳожиддин МИРЗО билан суҳбат

— Ёш авлод онгида мустақиллик туфайли очилган имкониятларни идрок этиш, қадрлаш, эртанги кунга умид ва ишонч билан қараш шаклланганини таъкидлаб ўтгим келади. Мамлакатимизда билимли, ўз касби ва ишининг устаси бўлган, гайратли, меҳнаткаш ҳар бир инсон ҳаётда ўз олдига қўйган мақсадига албатта етади. Одамларнинг ўз кучига ишончи йилдан-йил ортиб борапти.

Халқимизга гоёвий ва ахборот хуружлари моҳиятини тўғри тушунтириб бориш, бундай ҳаракатлар ортида турган кучларнинг гаразли мақсадларини асосли далиллар билан фош қилиш, огоҳликка даъват этиш оқибатида улардаги дахлдорлик туйғулари кучайди.

— **Сизни нималар ташвишлантиради?**

— Инсон ўзи интилган бахтга эришганида ҳам унинг ташвишлари камаймаса керак. Бахтни асраш учун ҳам бедор яшаш керак.

Биз азалдан юксак маънавийтли халқмиз. Ҳар бир ишда розилик топишга интиламиз. Бизда савоб иш қилиш қадрият даражасига кўтарилган. Халқимиз

орттириш йўқ деб ўйлайсизми? Одам савдоси билан боғлиқ муаммоларни олинг. Мўмай даромад топаман деб энг тубан ишлардан ҳам қайтмайдиган одамлар пайдо бўлди. Бу муаммолар ҳаммамизни ташвишлантиради.

Шу билан бирга, жамиятимизга маънавий таҳдид солаётган, эзгу мақсадларни ниқоб қилиб, ёшларимиз орасида ахлоқий тубанлик ва “оммавий маданият”ни тарғиб қилувчилар, ахлоқсизликни маданият деб сингдиришга уринувчилар, оилани, оилавий қадриятларни обрўсизлантириш илинжида юрганлар, маънавий қадриятлар ва эътиқод қалъаларини қўпоришни мақсад қилганларга қарши ҳамиша хушёр бўлиб курашиш барчамизнинг бурчимиздир.

Афсус, гоҳида огоҳлик, хушёрлик, дахлдорлик борасидаги куйиниб гапирилатган сўзларга бепарво қўл силтаб ўтадиганлар ҳам учраб қолади.

Қазик, ўша кимсалар қўшнисининг уйига ўт кетса, хотиржам уйида ўтирармикан? Йўқ, албатта, бир челақ бўлсада сув келтириб оловни ўчиришга шошилади. Ёнгин ўзининг

масъулиятли эканини англаб олиши мумкин. Демак, сўз ҳамиша эзгуликка хизмат қилиши, одамларни қалб ободлигига, меҳр-муҳаббатга, одамийликка бошлаши зарур экан. Биз учун сўзга масъуллик бобида Ҳазрат Навоий улуг устоздир.

Булбуллик даввосин

қилмасман мен, йўқ,

Эй кўнгил, сен Худхуд

йўлини пойла.

Гар қушлар муродин

англамоқ бўлсанг,

“Лисонут тайр”ни

жонингга жойла.

— **Ижодий режаларингиз ҳақида билгимиз келади.**

— Қатор ижодий ишлар, таржималар бошлаб қўйганман. “Юлдузим” номли навбатдаги китобим нашр этилиш арафасида. Ниятим бадиий сўз, шеър орқали одамлар кўнглига фақат эзгулик олиб кириш. Қалбим буюргани шу...

Райҳон, райҳон, ифоринг

Бунча ширин, тўймайман.

Сен қалбимда унмасанг,

Мен барибир қўймайман.

Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ
суҳбатлашди.

ИСЛОМ ВА ОЛАМ



“Исломни ёмонлаганни насроний дейиш қийин”



Белгиянинг Мехелен шаҳрида “Насронийлар ва мусулмонлар Оврупа ҳамжамиятида фаол ҳамкорлардир”

мавзуида динлараро анжуман ўтказилди. Анжуманнинг бош мақсади Оврупа мамлакатларида Исломни ёмонотлиқ қилиш авж олаётган бир пайтда икки дин вакиллари ўртасида мулоқотларни янада кенгайтириш, чуқурлаштиришдан иборатдир.

Москва патриархати вакили, ускуф Марк Егоревский анжуманда сўз олиб: “Исломни ёмонлаган одамни насроний дейиш қийин. Бундай кишилар насронийликни аجدодлар дини деб билишар, аммо ҳаёт мазмуни сифатида қадрлашмайди. Ҳозир Исломга қарши кайфиятни ёқлаётганлар, бундай хуружлар оқимини жуда осонлик билан насронийликка қарши йўналтиришлари ҳам мумкин”, дея таъкидлади.

“Благовест-Инфо”

Қарзовийнинг таклифи



Фаластиннинг Кудус шаҳрида тарихий осори атиқаларни ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган халқаро йиғин бўлиб ўтди. Йиғинда исломий ва насроний нодавлат ташкилотларидан уч юз нафар вакил иштирок этди.

Уламолар халқаро уюшмаси раҳбари, шайх Юсуф Қарзовий даври-

мизнинг долзарб муаммолари хусусида сўз юритар экан, ғарб мамлакатларидаги иқтисодий инқироз шароитида мусулмонлар Ислом аънаналарига мос муқобил тизимни жаҳонга таклиф этишлари керак, деган ғояни илгари сурди. Олим фикрича, ҳозир бу ғояни амалга ошириш учун моддий ва маънавий асослар мавжуддир.

Daily Star Egypt

Россия чекловларга қарши

Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири ўринбосари Сергей Рябков Техронга сафари якунларини маълум қилар экан, Москва-нинг Эрон ядро муаммоси бўйича мулоқотлар тарафдори, халқаро чекловларга эса қарши эканини маълум қилди.



Сергей Рябков Эрон пойтахтида мамлакат миллий хавфсизлик Олий кенгаши котиби Саид Жалилий ва ташқи ишлар вазири билан музокаралар олиб борган эди.

Эслатиб ўтамиз, БМТ Хавфсизлик кенгаши Эрон бўйича шу йил 27 сентябрда қабул қилган 1835-қарорида чекловларни кўзда тутган эмас. Мазкур қарор лойиҳасини Россия ташаббуси билан “олтилик” мамлакатлари (БМТ хавфсизлик кенгаши аъзолари ва Омония) муҳокамага киритган эди.

РИА Новости

Таълим вазирининг айтганлари

Буюк Британия таълим вазири Жим Найт: “Ҳозирги замон тамаддунига мусулмонлар ул-



кан ҳисса қўшганини ёшларимиз билишлари керак”, деди.

Мамлакат парламенти биносида Ислом маданияти ютуқ-

лари кўргазмаси очилишига бағишланган тадбирда Жим Найт: “Мусулмонларнинг инсоният тамаддунига асрлар давомида қўшган илмий-маданий ҳиссасига доир сабоқлар ёш мусулмонларда ўзини ҳурматлаш туйғусини кучайтирса, бошқа динлар вакилларининг фарзандлари оддий қаҳвадан тортиб то математика ва астрономияга оид оламшумул кашфиётлар учун инсоният Ислом оламидан миннатдор эканини англаб етишади”, дея таъкидлади. Шунингдек, у мазкур кўргазмани ташкил этган фан, техника ва тараққиёт жамғармаси ўрта мактаб ўқитувчилари учун Ислом олимлари кашфиётлари ҳақида ҳикоя қилувчи маърифий дастур ишлаб чиққанини маълум қилди.

*Telegraph,
“Ислам для всех”*

Динлар кенгаши тузиладими?



Турли мамлакатлар ташқи ишлар вазирларининг “Умумий тинчлик: хилма-хиллик орқали тараққиёт сари” халқаро анжуманида Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Сергей Лавров БМТ қошида Динлар кенгашини тузиш таклифини илгари сурди.

“Зиддиятли муаммоларни ҳал этишда муро-сага келиш нуқтасини топишга ёрдам берувчи динлараро мулоқотларнинг янада ривожланиши учун сиёсатчилар ва дипломатлар шарт-шароит яратишлари жуда муҳимдир. Динлар кенгашини тузиш ғоясига баъзилар шубҳа билан қарашади. Бундай ёндашув буткул нотўғридир”, дея таъкидлади Россия ташқи ишлар вазири.

“Интерфакс”

ОИТСга қарши дори топилди

Яманлик йирик тиббиёт олими Абдул Мажд Зиндоний ортирилган иммунитет тан-

қислиги синдроми (СПИД)га қарши дори яратганини маълум қилди.

Унинг айтишича, беш йил олдин мазкур

дори туфайли бундай касалликка чалинган беморнинг илк бор соғайиши кузатилган. Йирик ширкатлар ёки давлатнинг катта маблағ билан иштирок этишини тақозо қилгани боис бу малҳамга ҳалигача гувоҳнома олинмаган.

“Биз бундай беморларни даволашда қўлланиладиган дори-дармонлар қанчалик қиммат туришини биламиз. Ҳозир ОИТСга чалинганларни бепул даволаяпмиз. Доришунос бўлганим Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) ҳадисларини тўғри англашимга ёрдам берди, шу туфайли мазкур дорини тайёрлашга эришдим”, дея таъкидлайди шайх Зиндоний.

“Yemen Post”, “Ислам в РФ”

Исломнинг илк даври ҳақида

Таникли кино арбоби Оскар Зугби Ҳолливудда Исломнинг илк даври ҳақида янги филми суратга олаётган санъаткорлар сафига қўшилди. Зугби илгарироқ Мустафо Аққод суратга олган “Рисола” филмида Ҳамза (розийаллоху анху), Абу Толиб тимсолларини яратишда Энтони Куин билан бирга қатнашган эди.



Янги филмнинг ижрочи директори Хадижа Субҳиа Абу Элхўжа айтишича: “Ҳозир мусулмонлар билан бошқа дин вакиллари орасидаги тушунмовчиликларни бартараф этиш учун Ислом тарихини ҳаққоний ёритган филм жуда муҳимдир. Шу пайтгача бошқа динлар, масалан, насронийлик ҳақида ўттиздан ортиқ машҳур филм ишланган. Ислом тарихига доир бор-йўғи битта картина суратга олинган, холос.

Янги филмнинг сценарий муаллифи Рамзий Томас ҳам ҳозир томошабинни Ислом-

нинг илк даври, тарихий манбалари сари етакловчи филмга катта эҳтиёж борлигини таъкидлади.

NineMSN

Ялпи тинчлик ва бирдамлик учун



Буюк Британияда Оврупа мусулмонларининг “Ялпи тинчлик ва бирдамлик учун” халқаро анжумани бўлиб ўтди.

Анжуман раиси Муҳаммад Али Оврупа мусулмонларининг бу йилги тўртинчи йиғини турли динлар вакиллари билан тинч-тотув яшаш масалаларига бағишланганини маълум қилди.

Анжуманга бутун дунёдан меҳмонлар келишди. Улар орасида даниялик имом Абдул Воҳид Петерсон, америкалик мусулмон олими Юсуф Эстес, британиялик дин арбоби, собиқ кўшиқчи Юсуф Ислоом (Кэт Стивенс) ва бошқа машҳур кишилар бор. Шунингдек, йиғинда Британия адлия вазири Жек Стро, лорд Назир Аҳмад иштирок этишди.

Islam Online

Иқтибослар олиш Ислоом маркази



Мусулмон мамлакатлари иқтибослар олиш Ислоом марказини (ИИМ) ташкил этишга киришди. ISESCO матбуот хизмати шу ҳақда маълум қилди. Мазкур марказ Ислоом мамлакатлари

олимларининг мақолалари мониторинги билан шуғулланади, олимлар, фан ва технология марказлари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйишда ёрдам беради.

Эслатиб ўтамиз, октябр бошида Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида ИКТга аъзо 41 мамлакат фан ва олий таълим вазирларининг IV анжуманида иқтибослар олиш Ислоом маркази иш услуби ва усулларига доир ҳужжат лойиҳаси муҳокама қилинган эди.

Мазкур марказ Эрон ҳукумати ажратган

маблағ ҳисобига тузилади ва мамлакат фан, тадқиқотлар ва технологиялар вазирига бўйсунувчи халқаро қўмита томонидан бошқарилади.

“Наука и технология России”

Мусулмонлардан ўрганишяпти

АҚШ молия вазири ўринбосари Роберт М. Киммит хизмат сафари билан Саудия Арабистонига келди ва мамлакат молия вазири Иброҳим ал-Ассоф билан учрашди. Мазкур учрашув юзасидан Америка элчихонасида матбуот йиғини ўтказилди.



АҚШ молия вазири ўринбосари айтишича, ҳозир бир гуруҳ америкалик мутахассислар глобал молиявий инқироздан чиқиш мақсадида исломий банк тизимининг муҳим хусусиятларини ўрганишяпти. Киммит Саудия Арабистони ўн йилдан бери молиявий йигирмалик аъзоси эканини таъкидлаб, Вашингтонда икки мамлакат мутахассисларининг амалий учрашувига тайёргарлик кўриляётганини маълум қилди.

“Ислам для всех”

Янги ахборот маркази

Яқинда ISESCO қароргоҳида (Мароқаш) ўтказилган Ислоом давлатлари атроф-муҳитни ҳимоя қилиш вазирларининг III анжумани иштирокчилари ташаббуси



билан мазкур соҳа бўйича халқаро Ислоом ахборот маркази ташкил этиладиган бўлди. Мароқаш қироли Муҳаммад Тўртинчи ҳам бу ташаббусни қўллаб-қувватлади.

Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш Ислоом ахборот маркази мусулмон мамлакатларида табиатнинг ҳолати ва ўзгаришларини кузатиб боради, тегишли хулосалар, тавсиялар тайёрлаб, ҳукуматларга, жамоатчиликка маълум қилади.

AmeInfo IslamNews

Ҳазрати Сулаймоннинг (алайҳиссалом) мис хазиналари

Калифорния университети билан Ўрдун (Иордания) қадимшунослари ҳамжамияти



мутахассисларидан иборат гуруҳ мамлакат жануби – Ўлик денгиз соҳиллари яқинида мис қазиб олинган шахтани топишди. Улар милoddан олдинги X-VIII асрларда бу ерда ҳарбий ва ишлаб чиқариш мақсадлари учун кўп мис қазиб олингани ва қайта ишланганини таъкидлашяпти. Маҳаллий аҳоли ҳозир ҳам бу худудни “Қирбат ан-наҳас” (Мис харобаси) деб атайд.

Қадимшунослар фикрича, мазкур шахта милoddан олдинги X асрда – Сулаймон (алайҳиссалом) подшоҳлик қилган даврда ишга туширилган.

Cybersecurity

Роттердамнинг мусулмон ҳокими

Мароқашлик қирқ етти яшар сиёсатчи Аҳмад Абутолиб Ҳолландиянинг Роттердам шаҳрига ҳоким этиб сайланди. У шаҳар тарихида биринчи мусулмон ҳокимдир. Лейбористлар партияси аъзоси Аҳмад Абутолиб Ҳолландия ижтимоий сиёсат вазирининг ўринбосари эди, энди 2009 йилнинг январидан Роттердам ҳокими сифатида иш бошлайди.

Роттердам мамлакатнинг иккинчи йирик шаҳри, у ерда 582 минг аҳоли яшайди. Нидерландиянинг умумий нуфуси 16,5 миллион киши, шундан 95 минги мусулмонлардир.

Кейинги йиллари Нидерландия сиёсий доираларида Ислонни ёмонотлик қилиш кайфияти кучайгани кузатилаётган эди. Шу боис Роттердам кенгашининг мусулмон арбобни шаҳар ҳокими этиб сайлаши кутилмаган воқеа бўлди.

IRNA

МАМЛАКАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ИТБ вакиллари ташрифи

Шу йилнинг 24 октябрида Ислон тараққиёт банки (ИТБ)нинг икки нафар вакили – Муҳаммад Аҳмад Солим (Жидда шаҳридаги ИТБ қароргоҳида аҳоли турар-жой қурилиши бинолари бўйича муҳандис-мувофиқлаштирувчи ва Холид ад-Диъб (ИТБнинг Алмата шаҳридаги минтақавий ваколатхонаси ходими) юртимизга келишди.

25 октябр куни меҳмонларни ЎМИ раиси, муфтий Усмонхон Алимов қабул қилди. Шу куни ИТБ вакиллари Тошкент Ислон институтида, “Кўкалдош” ўрта-махсус ислон билим юртида бўлишди. 2003-2004 йилларда ИТБ “Кўкалдош” мадрасасини таъмирлашга ва замонавий технология жиҳозлари билан таъминлашга маблағ ажратган эди. Меҳмонлар “Кўкалдош” мадрасасида шу маблағ асосида амалга оширилган ишлар билан ҳам танишишди.

Улар 26 октябрда Бухоро шаҳридаги Мир Араб мадрасасига боришди. Мадрасанинг тарихи ва бугунги фаолиятига қизиқишди. Шу билан бирга Бухоронинг Чашмаи Айюб, Арк, Пойи Калон каби гўзал мажмуаларини зиёрат қилишди.

27 октябр куни меҳмонлар Самарқандга ташриф буюришди. Уларни Имом Бухорий номидаги халқаро марказда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан марказ директори, профессор Убайдулла Уватов таништирди.

Истеъдодлар тарбияси

Шу йилнинг октябр ойида юртимиздаги матбуот нашрлари сафига яна бир янги нашр келиб қўшилди: “Тенгдошлар ижоди”. Журнал Навоий вилояти “Ёш куч” тарғибот маркази муассислигида чоп этилган. Янги нашр билан танишган ўқувчилар унинг “Ёшлар йили”да истеъдодли ёшларга ғамхўрлик ва эътибор сифатида кўз очганига гувоҳ бўлади. Зеро, “Тенгдошлар ижоди”да фан, адабиёт, мусавирлик каби санъат йўналишларида умид уйғотганларнинг машқлари эълон қилиниш баробарида истеъдод Яратганининг инъоми, халқнинг бойлиги эканига, шу боис унинг тарбияси билан жиддий шуғулланиш зарурлигига урғу берилган. Шу ниятда машҳур кишиларнинг шахс ва ижодкор сифатидаги фазилатлари, ижодий мактаблари, сабоқлари, эътирофли фикрлари ҳам асосий мавзу сифатида журнал саҳифаларидан ўрин олган.

Мухбиримиз

Бобо ТОҲИР УРЁН

Бобо Тоҳир Урён шарқ мумтоз шеърятининг ёрқин намояндаларидан бири. У 980 йили шимолий Эроннинг Ҳамадон шаҳрида туғилган, ўша ерда 1055 йили вафот этган.

Бобо Тоҳир рубойининг дубайтий йўлида қалам тебратган. Халқ орасида қўшиқ қилиб айтилгани учун уларни «Тароналар» деб аташган. Бу дилбар тароналардан хусни дил, кўнгилнинг баҳорий тозалиги, исломий эътиқод нафаси уфуриб туради. Ўқиркансиз, руҳингизни ажиб бир ҳолатлар, ширин ва маҳзун кайфиятлар чулғаб олади...

Тароналар

1

Сочинг сунбул, боқиб мафтунман, эй гул,
Юзингга термулиб дилхунман, эй гул.
Ёниб ишқингда андоқ бенавоман,
Магар Лайли эсанг, Мажнунман, эй гул...

2

Илоҳи, эй фалак, мендек забун бўл,
Дилим қондирки, сен ҳам бағрихун бўл.
Мени бир лаҳза кўрсанг ғамдин озод,
Йиқил, ғамларга ботгил, сарнигун бўл...

3

Мен ул бехонумон, бечорадирмен,
Аламлар бирла кўкси порадиримен,
Биёбон ичра бир танҳо тиканмен,
Шамоллар домида оворадиримен...



4

Фалак ҳеч тинглагайму шул фиғоним?
Ёқар ҳар айланишда жисму жоним.
Ғаму ҳасратда умрим кечди, эй воҳ,
Мурувват этмади ул осмоним...

5

Кел, эй жонона, дийдоринг кўрай мен,
Юзингга кўз солиб, ҳолинг сўрай мен.
Дилимда орзу эрди ою йиллар,
Ки бир дам рўпарангда ўлтирай мен...

6

Тани меҳнаткашим бордир, Худоё,
Дили ҳасраткашим бордир, Худоё.
Сенинг шавқингда андоқким ғарибман,
Кўнгилда оташим бордир, Худоё...

7

Қаро тун ёприлиб, жонимни ўртар,
Яқодин токи домонимни ўртар.
Яшил тўнлик нигорим ёди ул дам
Тушар ёдимга, имонимни ўртар...

8

Ерим дашту биёбон кеча-кундуз,
Кўзимдин ёш оқар, қон кеча-кундуз.
Танимда зарра дардим, оғриғим йўқ,
Нечун мен зору нолон кеча-кундуз?

9

Сенга дарду анча дармон керакдир,
Сенга васлу анча ҳижрон керакдир.
Менга дармону дарду васлу ҳижрон —
Керакдир, чунки ул жонон керакдир...

10

Ғариблик бўйла дилгир этди бизни,
Фалак чун банди занжир этди бизни.
Фалак, бўйнимни эзма занжиринг ол,
Ки ғурбат хоки таққир этди бизни...

11

Қани менга жаҳонда ком¹ сенсиз?
Қачон олдим қўлимга жом сенсиз?
Таним титрайди мажнунтол мисоли,
Ололмам бир нафас ором сенсиз...

12

Бу кўнглим шоду хуррам бўлмади ҳеч,
Ғаму андуҳ анга кам бўлмади ҳеч.
Нигорим бевафо эрмишки андоқ,
Келиб, ёнимга бир ўлтирмади ҳеч...

13

Дилимда дарду ғамлар беҳисобдир,
Худо билгайки, бағрим не кабобдир.
Ўпармен қўл-оёғинг баски, жаллод,
Агар қатл айласанг, бори савобдир...

14

Ғамим кам бўлса гар, не бўлгай эрди?
Камим ғам бўлса гар, не бўлгай эрди?
Бошим узра ҳабибим ё табибим
Келиб ўлтирса гар, не бўлгай эрди?

15

Ғамимдин етти гардунга шарардир².
Уни оҳим дема, хуни жигардир.
Сенинг жонингни чун ёндирмамиш ғам,
Сенга бу кўргиликдин не хабардир?

16

Дило, ғофили Субҳонсен, не ҳосил?
Ғуломи нафси шайтонсен, не ҳосил?
Малоик қадриндин қадринг баланддир,
Вале сен ғулу нодонсен, не ҳосил?..

17

Билолмам, дарду розим кимга айтай?
Ғаму сўзу гудозим кимга айтай?
Эшитганлар этарлар ҳар замон фош,
Бу гал розу ниёзим кимга айтай?..

18

Магар шеру палангсен, эй дило, дил,
Нечун мен бирла жангсен, эй дило, дил?
Туширсам қўлга, қонингни тўкармен,
Кўрармен то не рангсен, эй дило, дил...

19

Юрак бор менда, султондин ҳайиқмас,
Кишандин, банди зиндондин ҳайиқмас.
Очиққан бўри бил ошиқ кўнгилни,
Очиққан бўри чўпондин ҳайиқмас...

20

Танимга ғам оғочи солди реша³.
Худо деб йиғлагайдирмен ҳамиша.
Ёронлар, бир-бирингизни қадрланг,
Ажал тош отса, одам мисли шиша...

Форчадан Ўзбекистон халқ шоири
Жамол КАМОЛ
таржимаси

¹ ком —бу ерда бахт маъносида

² шарар — ўт, учкун

³ реша — томир, илдиз

Шодмон СУЛАЙМОН

Абдухолик Ғиждувоний ўғитлари

* * *

Тўйми ё анжуман, тамошо бўлсин,
Улфатинг ёш, қари ё гадо бўлсин,
Тилингда ҳаёдан боғлагин занжир,
Дилингда “Аллоҳим...”, “Худоё...” бўлсин.

* * *

Боболардан қолмиш бир ҳикмат тугал:
Сахийни сийлайди тақдири азал.
Ҳалол топган нонинг миннат-ла келган
Ҳазинадан минг бора афзал.

* * *

Йиллар манглайига йўл солган бобо,
Айтинг, яшамоқдан недир муддао?
— Қариб букчайишим билсам, ўтардим
Бошимни саждадан узмай бехато.

* * *

Ҳар кимки ёмонликни одат этгай,
Ёмонлиги қалбини ғорат этгай.
Эй ҳамсафарим, таънадин дил уз,
Бад хулқи кимсанинг бошига етгай.

Тазарру парчалари

* * *

Ким сени бор билди, бор бўлди оқибат,
Ким сени ёр билди, ёр бўлди оқибат.
Дунёда курмаксиз бўлмагай гуруч,
Ким сени хор билди, хор бўлди оқибат.

* * *

Гоҳи баланд номим — шон-шуҳрат ичрамен,
Кўкка етар томим — мол-давлат ичрамен.
Қайга борар банда молу насаб бирла,
Армоним айтай: ғафлат ичрамен...

* * *

Эвоҳ, мен кимларга най бўлиб юрдим,
Ҳар кўй, ҳар кўчага шай бўлиб юрдим.
Фарёдим тинмас ҳеч, юзим қародир,
Шайтон “қули”га малай бўлиб юрдим.

Бухоро

Она насиҳати

Қизим, эринга бўйсун,
Ҳар сўзига қулоқ сол.
Доим очиқ юз билан
Салом бериб қарши ол.

Келинчакка фазилат
Саранжом-саришталик.
Саришта уй доимо
Бўлади фариштали.

Қайнота, қайнонангнинг
Ҳурматин жойига қўй.
Ололсанг дуоларин,
Кўнглингда аримас тўй...

Тик боқмагин уларга
Гапирмоқчи бўлсанг гар.
Чақирса, иш буюрса,
“Лаббай” дегин, тез бажар.



Мол-дунёга ўч бўлма,
Фарзандга дил меҳринг бер.
Сабрли бўл, бахтинг топ,
Раҳмат гулларини тер...

Тўхтаҳон РАҲИМОВА,
Наманган тумани

ЖАННАТ ВАСФИ *

Жаннат ерлари ва биноларининг сифати

Анас (розийаллоҳу анҳу) ривоят қиладилар: «Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) меърожга кўтарилганларида: "...Сўнг мени сидратул мунтаҳога олиб борди. Сидратул мунтаҳони ҳар хил ранглар қоплаган эди, улар қайси ранглигини билмайман. Сўнг жаннатга киргизилдим, у ерда марвариддан тепаликлар бўлиб, тупроқлари мушк эди"¹, дедилар».

Сидратул мунтаҳо барглари фил қулоқларидек ва мевалари катта кўзалардек келадиган набҳ дарахтидир, бирор зот унинг гўзаллигини таърифлаб беришга ожиздир. Ҳар қандай олимнинг илми шу жойда тўхтагани ёки у дарахт Аллоҳ аршининг ўнг томонида бўлиб, бирорта фаришта ундан ўта олмагани учун шундай деб номланган².

Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу) ривоят қиладилар: «Эй Расулulloҳ... жаннатнинг бинолари қандай?» дедик. «Ғишлари кумушдан ва тиллодан, сувоқлари хушбўй мушкдан, майда тошлари марварид ва ёқутдан, тупроғи заъфарон. Ким жаннатга кирса, доим неъматда бўлади, ўлмаи абадий қолади, кийимлари эскирмайди ва ўзлари қаримайди», дедилар³.

Абу Саид (розийаллоҳу анҳу) ривоят қиладилар: «Ибн Саййад Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи васаллам) жаннат тупроғи ҳақида сўради. У зот: "Оппоқ, майин ва тоза мушк" дедилар⁴.

Жаннат қасрлари

Аллоҳ таолло жаннатга кирганларга нафслар хоҳлайдиган ва кўзлар қувонадиган қасрлар ва жойларни яратиб қўйган. Бу ҳақда Куръони каримда бундай марҳамат қилади:

«Аллоҳ мўминлар ва мўминаларга остидан анҳорлар оқиб турадиган, мангу яшаладиган жаннат (боғ)ларидаги ёқимли масканларни

ваъда қилди. Аллоҳнинг ризоси эса, (ҳаммасидан) буюкроқдир. Ана шу(лар) улкан ютуқдир"⁵.

Жаннат аҳлининг даражалари

Бу улуғ мукофотларга мўминлик исмини оқлаш ва шу исм асосида қилинадиган барча солиҳ амалларни Аллоҳнинг розилиги учун қилиш билан эришилади.

Аллоҳ таоло бу борада марҳамат қилиб деди:

«У жойга қараганингизда, ноз-неъматларни ва катта эғаликни кўрурсиз»⁶.

Абу Саид Худрий (розийаллоҳу анҳу) ривоят қиладилар: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: "Инсонлар машриқ ёки мағрибдан чиққан уфқдаги ёрқин юлдузларни кўрганидек, жаннат аҳллари баъзилари баъзиларидан афзалликлари сабабли ўзларидан юқоридаги хона аҳллари кўрадилар". Саҳобалар: "Эй Расулulloҳ, у жойда бошқалар ета олмайдиган пайғамбарларнинг манзили эмасми?" деб сўрашди. У зот: "Йўқ, нафсим измида бўлган Зотга қасамки, у жой Аллоҳга имон келтирган, пайғамбарларни тасдиқлаган кишиларгадир"⁷.

Бу икки сўз, яъни, Аллоҳга имон келтириш ва пайғамбарларни тасдиқлаш эшитганда ёки айтганда осон туюлса ҳам, амалда қаттиқ жидду жаҳдни талаб қилади. Аллоҳга имон келтириш «*Ла илаҳа иллаллоҳ*» калимасини айтиб, ундаги рукн ва шартларни ўрганиб уларга амал қилиш билан бўлади.

«*Ла илаҳа иллаллоҳ*» калимасининг икки рукни бор:

1. Нафий, яъни, инкор қилиш. Бу "*ла илаҳа*" сўзида бўлиб, Аллоҳдан бошқа барча илоҳ деб аталувчи нарсаларни инкор қилишдир.

2. Исбот «иллаллоҳ» сўзида бўлиб, улуҳиятни ёлғиз Аллоҳга исботлашдир.

Бу калиманинг етти шarti бўлиб, улар ушбулардир:

*Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.

1. Илм. 2. Ишонч. 3. Қабул қилиш. 4. Қайтиш.
5. Сидқ. 6. Ихлос. 7. Муҳаббат.

Жаннат аҳли хоналарининг сифати

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

“Имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган зотларни, албатта, жаннатда остидан анҳорлар оқиб турадиган кўшқларга жойлаштирурмиз. Улар у ерда мангу қолурлар. (Яхши) амал қилувчиларнинг (қиймат куни оладиган) мукофоти нақадар яхшидир!”⁸

Бошқа оятда:

“Лекин Парвардигорларидан қўрққан зотлар учун (жаннатда) устма-уст қурилган кўшқлар бўлиб, уларнинг остидан анҳорлар оқиб турар. (Бу) Аллоҳнинг ваъдасидир. Аллоҳ ваъдага хилоф қилмас”⁹.

Али (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади-лар: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Жаннатда шундай — ташқариси ичкарасидан, ичкараси ташқарисидан қўриниб турадиган хоналар бор”. Бир аъробий туриб: “Эй Расулulloҳ, улар ким учун?” деб сўради. Расулulloҳ: “Чиройли сўзларни гапирган, мискинларга таом едирган, давомли рўза тутган, кечаси ибодатлар қилган кишилар учун”, дедилар»¹⁰.

Жаннат аҳллари учун тўшаладиган ўриндикларни Аллоҳ таоло ўз Китобида сифатлаб, бундай деди:

“(Жаннат аҳли) астарлари шойидан бўлган кўрпачалар узра ястанган ҳолда (ўтирурлар). У икки боғнинг меваси (узувчига) яқиндир”¹¹.

Бошқа оятда улар учун ёстиқ ва гиламлар ҳам тўшалгани марҳамат қилинади:

“Тизиб қўйилган ёстиқлар ва тўшалган гиламлар бордир”¹².

Бошқа оятда:

“(Жаннат аҳли) яшил ёстиқлар ва гўзал гиламлар узра ястанган ҳолларида (ўтирурлар)”¹³, дейилади.

Жаннат сўрилари

Жаннат аҳллари роҳат ва фароғатда бўлишлари учун Аллоҳ уларга жаннатда сўрилар тайёрлаб қўйган. Бу ҳақда Яратган Эгамиз марҳамат қилиб:

“Албатта, яхшилар (мўминлар жаннат) неъматлари ичрадирурлар. Улар сўриларда, (атрофга) қараб ўтирурлар”¹⁴, дейди.

Бошқа оятда:

“Улар у жойда сўриларга ястанган ҳолларида ўтирурлар. У жойда қуёш (ҳарорати)ни ҳам, замҳарир (қиш совуғи)ни ҳам кўрмаслар”¹⁵, дейди.

Бошқа оятда:

“Албатта, жаннат аҳли у кунда (роҳат ва фароғат) иш(лари) билан шоддирлар. Улар ўз жуфтлари (хотинлари) билан бирга сояларда, сўриларда суяниб ўтирурлар”¹⁶.

Бошқа оят:

“Биз (жаннатдаги) сўриларда биродар бўлиб, бир-бирларига юзма-юз ўтирганларнинг дилларидаги гина (ва адоватлар)ни чиқариб ташлагаймиз”¹⁷.

Бошқа оят:

“(Уларга айтилур): “Сизлар қилиб ўтган (яхши) амалларингиз сабабли бемалол еб-ичингиз қатор сўриларда ястанган ҳолларингизда!” Биз уларга оппоқ юзли, катта ва чиройли кўзли ҳур қизларни жуфт қилиб берурмиз”¹⁸.

Бошқа оят:

“(Улар олтиндан) ясалган сўриларда, ястанган ҳолларида бир-бирларига юзма-юз бўлиб (ўтирурлар)”¹⁹.

Бошқа оят:

“У жойда баланд сўрилар...”²⁰.

¹ Муттафақун алайҳ.

² Абу Бакр Жазоирий. “Тафасир Айсарут”.

³ Термизий ва Доримий ривояти.

⁴ Муслим ривояти.

⁵ Тавба сураси 72-оят.

⁶ Инсон сураси 20-оят.

⁷ Муттафақун алайҳ.

⁸ Анкабут сураси 58-оят.

⁹ Зумар сураси 20-оят.

¹⁰ Аҳмад ва Термизий ривояти.

¹¹ Раҳмон сураси 54-оят.

¹² Фошия сураси 15–16-оятлар.

¹³ Раҳмон сураси 76-оят.

¹⁴ Мутаффиғун сураси 22–23-оятлар.

¹⁵ Инсон сураси 13-оят.

¹⁶ Ёсин сураси 55–56-оятлар.

¹⁷ Ҳижр сураси 47-оят.

¹⁸ Тур сураси 20-оят.

¹⁹ Воқеа сураси 15–16-оятлар.

²⁰ Фошия сураси 13-оят.

ШАЙХ ХОВАНД ТАҲУР МАЖМУАСИ

Шайх Хованд Таҳур мажмуаси бир неча тарихий ёдгорликдан иборат. Бугун унинг айрим қисмларигина сақланиб қолган. Тадқиқотчилар мажмуада “Занжирлик”, “Аврод”, Хотинмасжид, Ғариббой ва Саидазимбой масжидлари ҳамда шайх Хованд Таҳур, Қалдирғочбий, Юнусхон, Кўктўнли ота, Қабз ота, Кўчқор ота қабрлари, Эшонқули додхоҳ мадрасалари бўлганини қайд этишган¹.

Масжидлар

Мажмуа ҳудудидаги масжидлар XIX асрда бир неча бор таъмирланган, янгилари ҳам қурилган. Бу ердаги энг қадимий масжид Хожа Аҳрор жомеъидир. “Тарихи жадидаи Тошканд” асари муаллифи Муҳаммад Солиххўжа келтиришича, ушбу масжидни шайх Хованд Таҳур бино қилдирган, кейинчалик Хожа Аҳрор Валий таъмирлатган. Асарда масжид икки бор эслатилган. Биринчисда муаллиф бундай ёзади:

“...Сигир йилида (1256/1839-1840) Эшонқули додхоҳ ушбу даҳада бир мадраса бино қилдики, унинг жойлашган ўрни олдин бир таноб шаръий келадиган ҳовуз бўлиб, Хожа Аҳрор валий унинг тўрт томонини жомеъ масжид ва ийдгоҳ қилган эдилар. Лекин (масжиднинг асл) иморати шайх Хованд Таҳур асида (бино бўлган) эди. Улардан сўнг Хожа Аҳрор икки марта таъмирлатганлар... Ҳовузнинг ғарб томони бутунлай хонақоҳ ва унинг олди айвон эди. Ҳовузнинг қолган уч томони эса тўла айвон бўлиб, устунлари ва тўсинлари шамшод дарахтидан, устунлари остига эса Нурота тоғларидан келтирилган мрамар тошлар қўйилган эди. Юнусхон подшоҳ (мақ-

бараси) гумбази қулаган зилзилада (1245/1829/1830) жомеъ масжид ва (унинг) тўрт томонидаги иморатлар ҳам вайрон бўлган эди.

...Икки йилдан сўнг (1831-1832) жаноб савдатпаноҳ шайх Хованд Таҳур авлоди Хўжа Калон эшон Тошкандий унинг ёғочлари ва устунларини ер остидан олдириб, «Лангар» деб аталадиган қадимий ҳовузнинг шимол томонига (янги) жомеъ масжид бино қилдилар. Иморат харажатини шайх Хованд Таҳур мазорига тушган назр-ниёз ва баъзи сарфини ўзининг деҳқончилиги (даромади)дан сарфлаб, ниҳоясига етказган эдилар. ...Лангар ҳовузининг тўрт томонига мадраса қурдирган Эшонқули додхоҳ ҳовузни тупроқ билан тўлдириб, мадраса саҳнига айлантирди ва мадраса ташқарисида, Юнусхон подшоҳ (мазори) ғарбидан янги бир таноблик ҳовуз бино қилди ва уч тарафидаги хужралар битказилди.

...Саййид Маллахон одилнинг омонлик замонида (1858-1862) иморат таъмирини охирига етказиш тўғрисида Эшон Шарифхўжа раис қози ул-қуззот номига фармон ва иноятнома келди. Унинг бир томони таъмири сарфи ўзининг вақфидан харажат қилиниб, тамомига етказилди. (Масжид) хужралар ва дарвозахонадан иборат. Унинг ўттиз бир хужраси бўлиб, дарвозахонаси шарққа қараган, жанубидан Катта кўчага туташ, кўча томонда яна даричалари ва тешиклари бор эди. Масжиднинг дарслик ва эътиқодга оид китоблари ҳам бор”².

Иккинчи бор эслатганида: “Хожа Аҳрор валий масжидларининг бешинчиси... мазорнинг шимол тарафида ва шайх Хованд Таҳур мақбаралари деворига



туташ бўлган. Бу масжиднинг асл иморатини шайх Хованд Тахур қилган эдилар. Ва бу даҳа аҳолиси орасида “Олтунлик масжид” номи билан машҳур эди. Улардан кейин шайх Хованд Тахурнинг набиралари Хожа Аҳроп валий мақбара ва масжид деворларини пишиқ гиштдан барпо қилиб, хонақоҳ, айвон ва мақбара бошида яна бир айвон ҳам бино қилдиларки, масжиднинг барча биноси айвонлар билан бир тарҳдир”³, деб ёзади.

Мазкур масжид шайх Хованд Тахур шаҳарнинг шу қисмига келиб ўрнашган даврларда бунёд қилиниб, ўша вақтлардаёқ жомеъ вазифасини бажарган бўлиши ҳам мумкин. Ўн тўққизинчи асрда эса Эшонқули доҳоқ ва Хўжа Калон эшон Тошкандий бошлаган таъмир ишлари Маллахон замонида Эшон Шарифхўжа раис саъйи ҳаракатлари билан якунланган.

Хўжа Калон эшон таъмирлатган масжидга келсак, у 1868 йилги архив ҳужжатларида Занжирли маҳалласидаги вақфсиз масжид сифатида рўйхатга олинган. Лекин айнан шу ҳужжатда шайх Хованд Тахур мазориди ва унинг яқинида иккита маҳалла масжиди ва бир жомеъ масжид борлиги ҳам қайд қилинган. Улардан бири Юнусхон мадрасаси қибла тарафида жойлашган Подшоҳхўжа Ўзбекхўжа ўғли қурдирган маҳалла масжиди. Иккинчиси Тўрахўжа қози Хонхўжа қози ўғли бино қилдирган жомеъ масжид ва ийдгоҳ бўлиб, 1868 йили вақфи йўқлигидан вайрона ҳолга келиб қолгани тилга олинади⁴.

Муҳаммад Солиҳхўжа ёзишича, Қорёғди маҳалласилик эшон Тўрахўжа аълам Бухоро

Изоҳлар:

¹ Булатова В., Маньковская Л. “Памятники зодчества Ташкента XV-XIX века”, Т., Г. Гулам, 1983. с.91; Исломов З. “Шайхонтахур: Тошкентнинг муқаддас гўшаси”, “Мозийдан садо”, 2007, 3-сон, 10-14-бетлар.

² Муҳаммад Солиҳхўжа. “Тарихи жадидаи Тошканд” ЎзР Шарқшунослик институти фонди. Қўлёзма N11073. 205а-206б варақлар.

³ “Тарихи жадидаи Тошканд”, 2096-варақ.

⁴ ЎзР МДА. И-36-жамғарма, 1-рўйхат, 449-йигма жилд, 115-орқа варақ.

⁵ “Тарихи жадидаи Тошканд”, 2606-варақ.

⁶ Масон М.Е. “Прошлое Ташкента” Известия АН УзССР, N2, 1954, с.121; Ўринбоев А., Бўриев О. “Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида”, Т., Фан, 1983, 37-б.

мадрасасида ўқиган. У Қўқон хони Султон Саъидхон (1863-1865) ва Мулла Алимқули амирлашкарнинг Иқонга юришидан олдин Шайхонтахур даҳасига қози этиб тайинланган. Асарда Тўрахўжа қозини 1865 йилги Тошкент истилосидан сўнг Худоёрхон Чаҳорқўҳ ва Исфарага ҳоким қилиб юборилгани ва 1867 йили вафот қилгани қайд этилади. Мазкур жомеъ Тўрахўжа қози вафотидан сўнг эътиборсиз қолиб фаолиятини тўхтатганга ўхшайди. Чунки масжид номи 1884 йилги ҳужжатларда учрамайди.

Учинчи масжид шайх Хованд Тоҳур мазорининг қутб тарафида Боқишайх ва Зарифшайх биргаликда бино қилдирган вақфсиз маҳалла масжидидир.

Тилга олинган масжидлардан ташқари тадқиқотларда шайх Хованд Тахур мазоридида жойлашган “Хотинмасжид” ҳақида ҳам сўз кетади. “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида ёзилишича, ушбу масжидни ўтмишда бир аёл қурдиргани учун “Хотинмасжид” деб аталган. Бироқ у шайх Хованд Тахур мажмуасида эмас, Себзор даҳасида, Эски Жўва ҳудудида бўлган. Масжидни Ўрозалибой таъмирлатгач, унинг номи билан аталган⁵. Ўрозалибой жомеъ масжиди Бегларбеги мадрасасининг шарқидаги, Каттакўча томонда, Эски Жўва мавзеида жойлашиб, унинг қошида бир ҳужра, мактаб ва қорихонаси бор эди. Лекин мазкур таъмирлаш ишларида “Хотинмасжид” номи бутунлай йўқолмаган ва аҳоли орасида иккала ном ҳам муомалада юрган. Кейинчалик Эски Жўвадаги кўчани кенгайтириш муносабати билан нодир меъморий ёдгорлик “Хотинмасжид”, яъни, Ўрозалибой жомеъи шайх Хованд Тахур мазори ёнига кўчирилган⁶.

Мажмуадаги “Аврод” масжиди шайх Хованд Тахур ва Қалдирғочбий мақбаралари оралигида жойлашган. 1873-1910 йиллари қуриб битказилган бу масжид 1966 йилги zilзилада қаттиқ зарар кўрган ва бузиб ташланган.

Мақбара ва қабрлар

Шайх Хованд Тахур мақбараси. Мақбара ҳақида маълумотлар Мавлоно Муҳаммад Қозининг «Силсилатул орифин», Фахриддин Али Сафийнинг «Рашаҳоту айнил ҳаёт», Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандийнинг «Та-

рихи жаҳоннамои» асарларида ҳам учрайди.⁷

Мақбара мазкур даҳанинг ўртасида жойлашган. Мақбара иморати Нормухаммад кушбеги даврида пишиқ гиштдан бино қилинган. Муҳаммад Солиххўжа ёзишича, бундан олдин мақбаранинг деворлари ва томи ёғочдан бўлган. Қабрнинг шимол тарафидан ширин сувли ариқ оқиб ўтган.

Шайх Хованд Тахур қабри атрофи катта қабристон бўлиб, мақбара гумбазининг фарб томонида, яъни қабристон ўртасида бир неча хона ва гумбаздан иборат пишиқ гиштдан чиллахона қурилган. Ўша пайтларда шайх Хованд Тахур мақбарасидан то қабристонгача икки томони сарв дарахтидан иборат хиёбон бўлган. «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида мазкур хиёбон «шайх Хованд Тахур», баъзан «Юнусхон майдони» деб аталгани, йигирманча асрда ҳам ҳайит намозидан сўнг аҳоли сайр қиладиган жой бўлгани, бу ерда савдо дўконлари ишлаб тургани айтилади.

Ҳозир шайх Хованд Тахур мақбараси икки хужрадан иборат: бирида шайх Хованд Тахур, иккинчисида унинг авлоди, Тошкентнинг мустақил ҳокими Юнусхўжа ибн Ҳидоятхўжа ва унинг ўғли Султонхўжа қабри жойлашган.


Қалдирғочбий мақбараси. «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида келтирилишича, шайх Хованд Тахур мақбараси шимол тарафида чодирсимон баланд гумбаз ичида Дашти Қипчоқ шаҳзодаларидан бирининг қабри ўрин олган. Маълумотларга кўра, шаҳзода шайх Умар Боғистонийнинг муридларидан эди, ўша қабр жойлашган ерда кейинчалик ўзи дафн қилиниши учун бир парча ер сўраб олган экан. Шаҳзода умрини мазор жойлашган ерда тоат-ибодат билан ўтказган. Шаҳзода ўзи яшаган иморатнинг томига уя солган қалдирғочларга меҳр билан қарагани учун ҳам туркий тилли аҳоли оғзида «Қалдирғочбий» номини олган. Археологик маълумотларга қараганда, обида XIV асрларда қурилгани тахмин қилинади. Кейинчалик эса, Қалдирғочбий мазорига қозоқларнинг катта жуз оқсоқоли Тўлабий Алибек ўғли (1663-1756) дафн қилинган, деган тахминлар ҳам мавжуд⁸.

Юнусхон мақбараси. «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида ёзилишича, Юнусхоннинг ўғли Султон Аҳмадхон Алачакхон (1485-1502

йилларда Шарқий Мўғулистон хони) шайх Хованд Тахур мақбарасининг фарб томонидан тахминан олти таноб ер олиб, отаси қабри устига мақбара бунёд қилган. Мақбара саккиз буржли тош гумбаз ва пишиқ гиштдан, тўрт томонига солинган хужралардан иборат бўлган. Мақбаранинг

тош гумбази Тошкентда юз берган 1245/1829-1830 йилги zilзилада қулаб тушган. Мақбара яқинида Қуръон тиловат қилувчилар учун бир гумбаз ичига икки хужра ҳам қурилган. Мақбарага Алачакхон томонидан Салор ариғи шарқдаги Пулемас деган жойдан тахминан юз ман ер вақф қилган бўлиб, Муҳаммад Солиххўжа даврида ҳам мақбара вақфга эга бўлган.

Юнусхон Чигатойхон авлодига мансуб, 1462-1487 йиллари Мўғулистонда хонлик қилган. Унинг набираси Мирзо Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» асарида ёзилишича, теурий Шохруҳ Мирзо даврида Юнусхон ўн уч ёшидан Яздда машхур муаррих ва олим Шарафиддин Али Яздий қўлида тарбияланган. Кейинроқ Форс, Озарбойжон, Қазвин ва Шерозда кўплаб шайхлар ва олимлар суҳбатига бўлган. Ўз саройида ҳам бўш вақтларини Қуръон ўқиш ва кўчириш ҳамда бошқа санъат турлари билан шуғулланиб ўтказган. Юнусхон мусулмон ҳукмдор сифатида тақводорлиги билан Хожа Аҳрорни ҳам ҳайратга солган ва бу Хожа Аҳрорнинг мусулмон ҳукмдорларига Мўғулистондаги Исломга кирган мўғулларни бундан буён қул қилиб сотмаслик ва сотиб олмаслик тўғрисида номалар юборишига сабаб бўлган эди. Юнусхоннинг ўзи Хожа Аҳрор билан 1482 йили Марғилонда ва 1485 йили Тошкентда икки бор учрашган⁹. Юнусхон Хожа Аҳрор мухлисларидан бўлиб, ўлиmidан сўнг Хожа Аҳрорнинг бобоси шайх Хованд Та-



хур мазорига дафн қилиниши ҳам шу билан боғлиқ.

Кўктўнли ота мақбараси. Кўктўнли ота қабри тилга олинган шайх Хованд Тахур мақбараси яқинидаги Чинор остида ариқнинг жанубида бўлган. “Тарихи жадидаи Тошканд” асарида келтирилишича, Кўктўнли ота шайх Хованд Тахурнинг жорубкаши бўлиб, ким шайх Хованд Тахур зиёратига келса, Кўктўнли отани дуо қилиб ёдга олар экан.

Архив ҳужжатларига қараганда, Шайхон-тахур даҳасидан ташқари, Себзор даҳасида ҳам учта (Хўжақўча, Тахтапул ва Чувалачи маҳаллаларида) шу номда мазорлар бўлган¹⁰.

Шайх Хованд Тахур мазорига таниқли кишиларни дафн қилиш ўн тўққизинчи асрда ҳам давом этган. Жумладан, 1865 йили Тошкент мудофааси раҳбарларидан Мулла Алимқули амирлашкар ҳам шу ерга дафн этилган. Бироқ кўп ўтмай унинг жасадини қариндошлари ота юртига яширинча кўчириб олиб кетишган. Бундан ташқари, Қўқон хони Худоёрхоннинг ўғли Насриддинбек ва 1875 йилдан сўнг Тошкентда яшаган бошқа шаҳзодалар шайх Хованд Тахур мазорига катта ихлос билан қарашган, мазорни доимо зиёрат қилиб, кўплаб пул ҳадя қилишган. Шаҳзодаларнинг шайх Хованд Тахурга ихлоси сабабли бўлса керак, 1882 йили Насриддинбек ва 1884 йили Худоёрхоннинг валиаҳдликка мўлжалланган суюкли ўғли Ўрмонбек ҳам шайх Хованд Тахур мазорига дафн этилган.

Ўқтам СУЛТОНОВ,
тарих фанлари номзоди

Изоҳлар:

⁷ Мавлоно Муҳаммад қози. “Силсилатул орифин” ЎзР ФАШИ қўлёзмаси, N11413, 436-44а varaқлар; Али ас-Сафий. “Рашаҳоту айнул ҳаёт”, Таржимон Домулло Худойберган ибн Бекмуҳаммад. Нашрга тайёрловчилар М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ, Т., Ибн Сино нашриёти, 2004. Тўлдирилган 2-нашр, 291-бет; Аваз Муҳаммад Аттор. “Тарихи жаҳоннамои” ЎзР ФАШИ қўлёзмаси, N9455. 3676-варақ.

⁸ Пугаченкова Г.А. “Мавзолей Кальдыргачбия”, Изв. АН КазССР, N80. Серия архитектура. Алма Ата, 1950, с.90; “Святой покровитель ласточек”, Вечерний Ташкент, 1996 г. 24 апрель.

⁹ Султонов Ў. “Муҳаммад Солиххўжа ва унинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асари”, Т., Ўзбекистон, 2007. 117-бет.

¹⁰ ЎзР МДА. И-1 жамғарма, 1-рўйхат, 976-иш, 25-варақ.

ДУО ИЖОБАТ БЎЛДИ

Бир юмуш билан Нью Жерси шаҳрига йўлим тушди. Бир оз шаҳар айлангач, уммон бўйига бордим. Ҳаво илиқ, соат кечки олтилар чамаси эди. Март ойи бўлгани боис, ҳали чўмилишга рухсат этилмаган. Лекин соҳил одам билан гавжум. Қатор ўриндиқлардан бирига ўтирдим. Кўз ўнгимда чексиз-чегарасиз уммон. Беихтиёр хаёлга толдим: “Ўзбекистон қайси томонда? Дарвоқе, бу ерда кечки соат олти. Фарғонада саҳар уч. Тўққиз соат фарқи бор. Ҳозир у ерда ҳамма ширин уйкуда...”

Ёнимдаги ўриндиқда ўтирган ўрта яшар кишининг мен томонга бир-икки қараб қўйганини сезиб, беихтиёр ўтирилдим. Нигоҳимиз тўқнашди.

— Ўзбекистонданмисиз? — деб сўради ёши тахминан олтмишлар атрофидаги, очиқ юзли, оқ юзига қўнғиз мўйлаби ярашиб турган киши майин табассум билан.

— Ўзбекистонданман, — дея ўрнимдан туриб, у кишининг олдига бордим. — Ассалому алайкум!

— Ваалайкум ассалом. — Янги танишим мен билан қўл олиб сўрашаркан, илтифот билан ёнидан жой кўрсатди.. — Қани, марҳамат, ўтирсинлар.

Исmlаримизни айтиб танишганимиздан кейин суҳбатимиз қовушиб кетди.

— Ота-боболаримиз Ўзбекистоннинг Андижон шаҳрида туғилиб вояга етишган экан, — деди ўзини «Баҳодир» деб таништирган ватандошимиз. — Ўттизинчи йиллари бобом Мулла Шариф оиласи билан паноҳ истаб Афғонистонга ўтиб кетишганида отам ўн-ўн икки яшар бола бўлган эканлар. Амриқога урушдан кейин, 47-йили кўчиб келишибди. Мен шу ерда туғилганман.

— Касб-корингиз нима? — деб қизиқиб сўрадим.

— Отамни Абдурахмон ҳолвафуруш дейишарди, — деди Баҳодир кулимсираб. — Бу хунар бизга бобомерос. Амриқога келганимиздан кейин бу ерда ҳам қандолат дўкони очишган экан. Бизлар беш оға-инимиз. Ҳаммамизнинг хусусий дўконларимиз бор. Шукр, турмушимиз яхши, ҳеч нарсадан камчилигимиз йўқ.

— Мана, сиз шу ерда туғилиб ўсган экансиз. Албатта, Ўзбекистон, Андижон ҳақида ота-боболарингиздан эшитгансиз. Айтмоқчиманки, Ва-

танга муҳаббат, соғинч ҳисси ота-боболарингизда кучлироқ бўлгани тўғрими?

Баҳодир тасдиқ ишорасини қилди:

– Ҳақ гап. Отам Андижоннинг боғ-роғлари, Боғишамол ҳақида кўп гапирардилар. Ҳар сафар Ватанни эслаганларида “Иншааллоҳ, Ўзбекистон бир кун келиб истиқлолга эришади”, дердилар ишонч билан. Шу боис Ўзбекистон мустақилликка эришган кун биз хориждаги ўзбеклар учун ниҳоятда катта байрам бўлди. Йўллар очилди. Ватандаги яқинларимиз билан топишдик, дийдор кўришдик.

– Ота-онангиз ҳаётмилар?

– Етти йил бўлди, отам саксон ёшларида оламдан ўтдилар. – Баҳодиржон бир оз сукут сақлаб тургач, сўзида давом этди: – Биласизми, отам ҳамиша Ватан тупроғига дафн этилишни ният қилардилар. Мустақилликдан кейин у киши беш маротаба Ўзбекистонга, Андижонга бордилар. Ҳар сафар кетаётганларида “Ўша ерда кўз юмиш насиб этсин” дер эдилар. Худди кечагидек ёдимда: 2001 йилнинг кузи эди. Жума намозини бирга ўқиганимиздан кейин кутилмаганда отам микрофон олдига бориб, титроқ товушда бир оз ҳаяжон билан: “Биродарлар, душанба куни яна икки ой муддатга ватанга боряпман. Дуо қилинлар, Аллоҳ омонатини ўша ерда, ўзим туғилиб ўсган Андижонда олсин”.

Шунда жума намозига йиғилган жамоат бир қалқиди. Мен йиғлаб юбордим. Масжидда ҳозир бўлган ватандошлар ҳам кўзларига ёш олишди.

Орадан бир ой ўтди. Жума куни саҳар соат бешларда қўл телефоним жиринглаб қолди. Хавотир билан уни қулоққа тутдим.

«Баҳодир ака, мен Отабекман, – дерди отамнинг жиянлари ташвишли оҳангда. – Андижондан телефон қилипман».

«Тинчликми, отам соғ-саломатмилар», деб сўрадим кўнглим безовта бўлиб.

Отабек беш-олти сония сукут сақлагач: «Абдурахмон бобомиз дунёдан ўтдилар», деди титроқ товушда.

Бундан бир ойча илгари масжидда жамоатдан дуо олганларида ҳаяжонланган бўлсам, бу нохуш хабардан саросимага тушиб қолдим. Отамнинг дуолари ижобат бўлиб, ватанда вафот қилган эдилар.

– Отангизнинг жойлари жаннатда бўлсин, – дедим кўзларим ёшланиб.

Баҳодир “иншааллоҳ” дея тасдиқ ишорасини қилгач, соатига бир қараб қўйди-да:

– Шом намозига ҳам оз фурсат қолибди, – деди хиёл табассум билан. Сўнгра чўнтагидан қоғоз олиб узатди. – Албатта кўнғироқ қилинг. Фурсат топиб хонадонимизга ташриф буюрсангиз, кўп мамнун бўламиз.

...Ватандошимизни кузатиб қоларканман, шоирнинг ҳароратли мисралари беихтиёр ёдимга тушди:

Зилоли таъмини топмам

сира болу шакарларда,

Ватан ёди эрур кўнглимда

бўлсам мен сафарларда,

Жамолига тўёлмасман

кезиб қишлоқ-шаҳарларда,

Қизил гул шохида булбул

каби куйлаб саҳарларда,

Яна шоир қилур такрор:

Ватандин яхши ёр бўлмас...

Носир ЗОҲИД,
ёзувчи, Фарғона вилояти

